

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

23-сон  
(938)  
2020 йил  
15 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

244. ««Фахрий мураббий» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 июндаги ЎРҚ-622-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

245. «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндағи ПҚ-4740-сон қарори

246. «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндағи ПҚ-4742-сон қарори

247. «2020 / 2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим

муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги ПҚ-4749-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

248. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 16 майдаги 11/8-сон «Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2453-1*)
249. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 21 майдаги 181-сон «Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 1-иловасига ўзгартариш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2967-1*)
250. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 21 майдаги 182-сон «Кичик ҳажмли кемаларни техник кўрикдан ўтказиш қоидаларининг 1-иловасига ўзгартариш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2968-1*)
251. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/4-сон «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартаришлар киритиш хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-1*)
252. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/6-сон «Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартаришлар киритиш хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1477-3*)
253. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/14-сон «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартаришлар ва қўшимча киритиш хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 916-1*)
254. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги,

Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 15 майдаги 14-2020 қ/қ, 6-мх, 33-қ/қ, 16, 71 ва 8-сон «Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги ўёриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3240*)

255. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 10 июндаги 129-мх-сон «Давлат бошқарув органлари ва бошқа ташқилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3241*)
256. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 24 марта даги 115-сон «Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3242*)
257. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги 2020-20-сон «Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тарикасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш обьектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш ва унга кўчмас мулк обьектлари ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вактинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3243*)
258. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 8 майдаги 12-2020-қ/қ, 16-сон «Туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ўйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўлланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини ўйқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1166-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хукукий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 6 июндан 12 июнгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

### **244 «Фахрий мураббий» орденини таъсис этиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 5 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 майда  
маъқулланган

**1-модда.** «Фахрий мураббий» ордени таъсис этилсин.

**2-модда.** «Фахрий мураббий» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансан (илова қилинади).

**3-модда.** «Фахрий мураббий» орденининг тавсифи тасдиқлансан (илова қилинади).

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда) **8-моддасининг биринчи қисмига** куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсан:

куйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:  
«Фахрий мураббий» ордени;

**тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар** тегишинча **ўнинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 9 июнь,  
ЎРҚ-622-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг  
2020 йил 9 июндаги ЎРҚ-622-сонли  
Конуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Фахрий мураббий» ордени тўғрисида  
НИЗОМ**

1. «Фахрий мураббий» ордени билан ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоялардан асраш, адашганларни тўғри йўлга қайтариш, ёш авлод вакилларида фаол фуқаролик позицияси ва мафкуравий иммунитетни, ташаббускорлик, фидойилик ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришга муносиб хисса қўшган, шунингдек ўзининг чукур билими ва бой ҳаётий тажрибаси билан ёрдамга мухтож ҳамда оғир ахволга тушиб қолган ёшлар ва оиласаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш ҳамда тадбиркорликка ўргатиш, бунинг учун қулай шартшароитлар яратиш борасида барчага шахсий намуна кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади.

2. «Фахрий мураббий» ордени билан:

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли таҳдидлар ва ёт ғоялар таъсиридан химоя қилиш, адашган ёшларни тўғри йўлга қайтариш бўйича манзилли ишларга уларни васийликка олиш орқали бевосита ҳисса қўшганлиги;

профилактик хисобда турган, ҳуқуқбузарлик содир қилишга ва салбий иллатга мойил бўлган ёшларда соғлом дунёқарашни, Ватанга меҳр ҳамда садоқат туйғуларини шакллантиришда мураббий сифатидаги алоҳида хизматлари;

уюшмаган ёшларни ҳамда кам таъминланган, эҳтиёжманд ва камбағал оиласалар фарзандларини касб-хунарларга ўргатиш, тадбиркорлик, хунармандчилик, дехқончилик ва чорвачиликка кенг жалб қилиб, уларнинг бандилигини таъминлаш борасидаги фидойилиги;

худудларда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, оиласалarda меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, нотинч ва ажрим ёқасига келиб қолган оиласаларни тиклаш, ёлғиз аёлларга ҳаётда мустақил бўлишга кўмак бериш ҳамда «Соғлом оила — соғлом жамият» деган эзгу ғояни ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ этишда кўрсатган жонбозлиги;

маҳалласида ёшлар учун беғараз асосда мактаб, боғча, маданият ва спорт иншоотларини барпо этганлиги ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкиллаштиришга раҳбарлик қилганлиги;

туман ва шаҳарларни ёт ғоялардан холи худудга айлантиришга қаратилган ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларда эришган юксак натижалари ҳамда ибратли фаолияти учун мукофотланади.

3. «Фахрий мураббий» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. «Фахрий мураббий» ордени билан мукофотланган шахслар базавий

хисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофотини олади.

5. «Фахрий мураббий» ордени билан мукофотланган шахслар қонун хужжатларида белгиланадиган имтиёзлардан фойдаланади.

6. «Фахрий мураббий» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. Ҳар бир мукофотланган шахсга «Фахрий мураббий» орденини топшириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги хужжатлар берилади.

Ўзбекистон Республикасининг  
2020 йил 9 июндаги ЎРҚ-622-сонли  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **«Фахрий мураббий» орденининг ТАВСИФИ**

«Фахрий мураббий» ордени 1 микрон қалинликдаги 999 пробали олтин билан қопланган латундан тайёрланади ва иккита қопламали медальондан иборат бўлади.

Биринчи медальон диаметри 45 миллиметрли күёш тимсолидаги саккиз қиррали юлдузни ифодалайди. Унга уйғунликда туташган диаметри 33 миллиметрли саккиз қиррали юлдуз қирралари зарҳал ҳошияланган ва бинафша рангдаги эмаль билан қопланган.

Орденнинг марказида жойлашган устки медальон диаметри 26 миллиметрли доира шаклида бўлади. Марказда ҳаворанг эмаль фонида кўтарилаётган қўёшнинг заррин нурлари, ёш авлодни тутиб турган фахрий мураббийнинг очиқ кафтлари тимсоли оқ эмаль фонда акс эттирилган. Юқорироқда Ўзбекистон Республикасининг харитаси зарҳал кўринишда тасвирланган.

Ўнг ва чап томонларида қизил эмалли ислимий нақш билан безатилган зарҳалланган очиқ дарвоза жойлашган. Барча марказий композициялар оқ эмалли доира билан ўралган бўлиб, пастки қисми бешта зарҳалланган саккиз қиррали юлдуз, тепа қисми эса зарҳалланган нақш билан безатилган. Доира четлари зарҳалланган ингичка чизиклар билан чегараланган.

Устки медальоннинг юқори айланаси бўйлаб яшил эмаль фонида — «FAXRIY», унинг пастки қисмida — «MURABBIY» ёзуви жойлашган. Ўнг ва чап томонларида иккита зайдун новдаси қарама-қарши кўринишда акс эттирилган. Ҳарфларнинг баландлиги — 2 миллиметр.

Орденнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган. Кўйи қисмiga 2 миллиметрли ўлчамдаги ботиқ шрифт билан орден рақами туширилган.

Тасвирлар ва ёзувлар — бўртма.

Орденнинг қалинлиги — 3,5 миллиметр.

Орден четлари бинафша ранг чизиклар билан ҳошияланган ҳамда ўртасидан оқ ўйл ўтган тўқ яшил рангдаги шойи лента қопланган беш қиррали кадағичга илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади. Лентанинг эни — 24 миллиметр.

лимитр, бинафша рангли чизиқларнинг эни — 1 миллиметр, оқ рангли чизиқнинг эни — 2 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида орденни кийимга тақиб қўйиш учун тўғно-ғич кўринишидаги мослама мавжуд.

### «Фахрий мураббий» ордени

Олд томони



Орқа томони



**M 2:1**



## ИККИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

### **245 Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолия- тини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўтган вақт мобайнида республикада ер қаърини комплекс геологик ўрганиш, узоқ истиқболга мўлжалланган минерал-хом ашё базасини ривож-лантириш ва қайта тўлдириш дастурларининг самарали бажарилишини таъминлаш, ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг инвес-тициявий жозибадорлигини янада ошириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ягона геология хизматини ташкил қилиш юзасидан бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан биргага, келгусида ушбу соҳада фойдали қазилмалар захира-ларини кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, энг аввало ҳудудларда замонавий саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда етарли хом ашё базасини яратиш учун қўйидагиларга алоҳида эътибор қара-тиш лозим:

биринчидан, геология соҳаси эҳтиёжлари учун зарур бўлган мутахас-сисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ти-зимини ҳозирги замон талабларига тўлиқ мослаштириш;

иккинчидан, геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни етарли даражада таъминлаш, ер ҳақидаги фанлар, шу жумладан, уларнинг фундаментал йўналишлари ҳамда амалиёт ўртасида реал интеграциялашув жараёни учун шарт-шароитлар яратиш;

учинчидан, ер ҳақидаги фанлар соҳасидаги илмий ишланмаларни тиже-ратлаштиришнинг аниқ мезонлари ҳамда самарали механизмларини жорий этиш;

тўртинчидан, кадрлар тайёрлаш тизимида моддий рафбатлантириш ме-ханизмларини яратган ҳолда олий таълим муассасаларига ҳалол ва юқори малакали ходимларни жалб қилиш.

Геология соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жо-рий этиш, ўқитишининг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, геоло-гия соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан тако-миллаштириш, шунингдек, таълим жараёнининг моддий-техника базасини илфор хорижий технологиялар асосида мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 июняда эълон қилинган.

кўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология кўмитаси), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг геология соҳасида таълим, илмий-тадқиқот ва амалиёт интеграциясига ихтисослашган, Давлат геология кўмитаси таъсисчилигига давлат муассасаси шаклидаги Геология фанлари университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Кўйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

геология соҳасининг илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш ва бошқа вазифалари билан узвий боғлаган ҳолда, юкори малакали ва замонавий фикрловчи олий маълумотли кадрларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлаш;

замонавий таълим дастурлари ва шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўкув жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологияларини ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаш, илмий-педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш;

фан ва таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги тамоили асосида, шунингдек, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятiga интеграциялашувни таъминлаш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш;

геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий интеграциялашуви учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларга иқтидорли талабаларни кенг жалб қилиш, уларни самарали рағбатлантириш механизmlарини жорий этиш;

фойдали қазилмаларнинг янги турларини аниқлаш, уларни геологик ўрганиш ва саноатда ўзлаштиришнинг замонавий усуслари, инновацион ва рақамли технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

ер ҳақидаги фанлар соҳасидаги илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг аниқ мезонлари ва самарали механизmlарини ишлаб чиқиш, уларнинг натижаларини геология соҳаси амалиётига кенг жорий қилиш;

хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари, бизнес-ҳамжамиятлари ва халқаро геологик жамиятлар билан узоқ муддатли хамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш;

геология соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жаҳон геология фани ҳамда амалиёти эришган ютуқлар ва янгиликларни чуқур ўргатиш асосида уларга етказиш, шунингдек, ўкув дастурларини такомиллаштириб бориш;

фойдали қазилмалар намуналари коллекцияларини йиғиш, сақлаш ва тўлдириб бориш, ноёб ва илмий-маърифий аҳамиятга молик бошқа экспонатларни яратиш, шунингдек, ер ости бойликлари ва геологик хилмачиллик тўғрисидаги маълумотларни жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

3. Давлат геология кўмитаси:

бир ой муддатда Университет уставининг ишлаб чиқилиши, тасдиқлашиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини;

икки ой муддатда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари учун белгиланган меъёрлар ва илғор халқаро тажрибани ўзида мужассамлаштирган Университетнинг ташкилий тузилмасининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Университет профессор-ўқитувчиларининг таркибини юқори малакали кадрлар билан, шу жумладан, илмий-тадқиқот институтлари илмий ходимлари ҳисобидан тўлдирилишини таъминласин.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Университет Давлат геология қўмитаси, төғ-кон саноати корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун геология йўналишидаги малакали кадрлар тайёrlаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини бажариш бўйича республиканинг ихтисослашган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади;

Х.М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти, Минерал ресурслар институти, Гидрогеология ва мұхандислик геологияси институти, Нефть-газ конлари геологияси ва қидибуви институти, Геология соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёrlаш институти ҳамда Давлат геология музейи Университет таркибига киради;

Университетга талабалар Давлат геология қўмитаси буюртмаларига асосан шакллантириладиган ва ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларидан келиб чиқкан ҳолда давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида қабул қилинади;

Университетда кадрлар мазкур қарорнинг 1-иловасида\* келтирилган ўйналишлар (мутахассисликлар) бўйича тайёrlанади;

Университетда талабалар Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари асосида геология ва кончилик йўналишидаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, Санкт-Петербург кончилик университетининг (Россия Федерацияси) қўшма таълим дастурлари бўйича, улар билан эришиладиган келишувларга мувофиқ ўқитилади;

Университет тегишлича Давлат геология қўмитаси тизимидағи ташкилотлар ва «Ўзбектелеком» АЖнинг Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси 43, 45, 49, 64-үй манзилларидағи, Университет автогарожи эса Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М. Ашрафий кўчаси 70-үй манзилидаги мавжуд ва янгидан қуриладиган бино ва иншоотларида жойлаштирилади ва улар оператив бошқарув хукуки асосида Университетга берилади.

Бунда, «Ўзбектелеком» АЖ устав капиталидаги давлат улуши Университетга берилаётган объектнинг баланс (қолдик) қийматига камайтирилади.

5. Университет фаолияти қўйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

---

\* 1-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

талабаларни давлат грантлари асосида ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Давлат геология қўмитасига ажратиладиган маблағлари;

Университет томонидан Давлат геология қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланадиган тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушадиган маблағлар;

ҳар йилги минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларида назарда тутилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

республика ва халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

Университет томонидан шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Университетга академик эркинлик ҳамда ўзини ўзи молиялаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш тамойиллари асосида хўжалик фаолиятини амалга ошириш хуқуқи берилсин.

6. Геология фанлари университетининг Геоинновацион технологиялар маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Марказда:

ер каърини геологик ўрганиш, оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида тадқиқотлар ва ишланмаларни янада ривожлантириш учун илфорд илмий-техник база яратилади ва самарали фаолият юритилади;

минерал хом ашёни ўрганишнинг энг янги усувларини ва технологияларини эгаллаган малакали кадрларнинг янги авлоди тарбияланади;

пировард натижада, ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва моддий қийматларни қайта тўлдиришга ўналтирилган ихтирочилик ғоялари ва лойиҳалари шаклланиши учун ноёб тадқиқот майдончаси, изланувчанлик ва ихтирочилик мухити яратилади;

глобал инновацион тизимга интеграция қилиш, замонавий рақобатбардош усувлар ва технологик ечимлар яратиш учун инвестициялар ва илфорд технологияларни жалб этишга, шунингдек, илмий-техник ва инновацион дастурларда, халқаро конкурслар ва грантларда фаол қатнашишга имкониятлар яратилади.

Марказни жиҳозлаш учун замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарлар рўйхати 2-иловага<sup>\*</sup> мувофиқ тасдиқлансан.

Давлат геология қўмитаси, «Навоий КМК» АЖ ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг Марказни замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш «Навоий КМК» АЖ ва «Олмалиқ КМК» АЖ томонидан тенг улушларда ажратадиган хомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

«Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги хузуридаги Аккредитация маркази» давлат унитар корхонаси

\* 2-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

белгиланган тартибда Марказ лабораторияларининг аккредитациядан ўткалишини таъминласин ва кейинчалик Марказнинг халқаро тан олинган аккредитация органларида аккредитациядан ўтишига қўмаклашсин.

7. 2022 йил 1 январга қадар Университет фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ импорт қилинадиган китоблар, журналлар, ўкув адабиётлари, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўкув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа обьектлар), шунингдек, 2-иловага мувофиқ Марказ учун «Геолтектаъминот» давлат корхонаси томонидан импорт қилинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар ва инвентарлар божидан озод қилинсин.

8. Давлат илмий техника дастурлари доирасида «Рақамли геология» ва «Тоғ жинслари ва минералларнинг миллий электрон базаси» лойиҳалари амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Давлат геология қўмитаси 2021 йил 1 марта қадар:

фойдали қазилмалар ягона электрон платформасини ишлаб чиқсин;

Университетда рақамли аэро-космик суратлардан фойдаланган ҳолда фойдали қазилма конларини масофавий зондлаш бўйича кадрлар малакасини ошириш курсларини жорий қилсин.

9. Университет фаолиятини ўз вақтида йўлга қўйиш ва белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида, истисно тариқасида:

«Геолтектаъминот» давлат корхонасига — Марказни жиҳозлаш учун мазкур қарорга 2-иловада назарда тутилган замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарларни харид қилиш учун техник топшириқларни «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги хузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда мажбурий экспертизадан ўтказмасликка;

Давлат геология қўмитаси тизимида фаолият юритаётган ташкилотларга — ҳар йилги минерал хом ашё базасини ривожлантириш давлат дастурларини бажариш учун геология-қидириув ишларига ўзаро ҳамда илмий-тадқиқот ва лаборатория-тахлил ишларига Университет билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

10. Давлат геология қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2020/2021 ўкув ўили учун Университетга талабаларни қабул қилиш жараёнини талабга мувофиқ ўтказилишини таъминласин;

ўкув жараёнига илфор таълим методикалари ва технологияларини, билим даражасини баҳолаш механизмларини жорий этиш, шунингдек, амалий машғулотлар ва ўкув ишлаб-чиқариш амалиётларининг давомийлигини оширишни назарда тутувчи Университет фан дастурлари ва ўкув режаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Университет хузурида етакчи геология ва кончилик йўналишидаги хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, Санкт-Петербург кончилик университетининг махсус умумтаълим ва базавий техник фанларини ўқитишга ихтинослашган Бошланғич мұхандислик тайёрлаш марказини ташкил этсин.

Университет хузуридаги Бошланғич мұхандислик тайёрлаш маркази битирувчилари ўз ўқишиларини мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат геология қўмитасининг нуфузли таълим муассасалари билан келишувига асосан хорижий олий таълим муассасаларида, шу жумладан, Санкт-Петербург кончилик университетида ёки Университетда давом эттириши белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020-2021 ўқув йилида Университет талабаларини қабул қилиш ва ўқитиш жараёнини ўз муддатида ташкил қилиш мақсадида, биринчи ўқув йилида уларни И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг төғ-кон иши факультети ва ўқув-лаборатория биноларида таълим олишларига шароит яратиб берсин;

Давлат геология қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Университетда тайёрланадиган мутахассисликлар рўйхатини инобатга олган холда, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

Университет 2020-2021 ўқув йилида И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети биносига текин фойдаланиш ҳуқуки асосида жойлаштирилсин.

12. Кўйидагилар:

Геология фанлари университетини ташкил этиш ва унда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ;

Геология фанлари университетида саноат корхоналаридаги геология соҳасига оид муаммолар ечимиға қаратилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадли дастури 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур қарорнинг 3 ва 4-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирлар ҳамда илмий-тадқиқот лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

13. Геология фанлари университетининг Васийлик кенгаши таркиби 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Кўйидагилар Университет Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида олий таълимни ривожлантиришга йўнал-

---

\* 3 — 5-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тирувчи янги шакллар, дастурлар ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-куватлаш, илмий ишланмалар натижаларини геология-қидирув ишлари амалиётига самарали жорий қилиш;

Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, ҳамкорлик битимларини тузиш амалиётини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш;

илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш ва стратегик лойихаларни амалга ошириш учун республика ва халқаро грант маблағларини жалб қилишга кўмаклашиш;

Университетни мунтазам ривожлантиришни таъминлаш учун ҳомийлик хайрия маблағларини, техник қўллаб-куватлаш (грантлар) ва бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб қилиш;

Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория ва тажриба-саноат ускуналари билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш;

таълим ва илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

давлат, жамият ва бизнес тузилмалари билан битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича янада самарали ҳамкорлик қилиш;

Университетнинг педагог, илмий ва бошқа ходимлари иш шароитларини ҳамда ижтимоий таъминотини яхшилаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 8 июнь,  
ПҚ-4740-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**246 Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни  
давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида\***

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари тартибига киритилмайди.

2. 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати иловага мувофиқ кенгайтирилсин.

3. 2020 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда маҳсус мобиЛЬ илова ёхуд солик тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтнчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий хисоблаш микдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўйналтирилади ва ундан келиб чикқан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия хисоблаш учун даромад ҳажми аникланади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сакланиб қолади.

4. Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахсларга (фрилансинг) қўйидаги хукуқлар берилсин:

кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг банкларидағи ҳисоб рақамларига қабул қилиш;

контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб факту-

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 июнда эълон килинган.

раларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 1 июля га қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш учун қўйидаги имкониятларни назарда тутувчи мобиль иловани ишлаб чиқсин ҳамда жорий қилсин:

буюртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш;

юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш;

мобиль илова ёрдамида ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан, кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш;

кўрсатилаётган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истеъмолчилар томонидан фикр-мулоҳазалар колдириш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофик:

жойлашган жойи (пошта манзили) ўзгарганда юридик шахслар — тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта микдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда хабар бериш тартибини кўллаган ҳолда бекор қилинади;

якка тартиbdаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда (қайta рўйхатга олинаётганда) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича амалга оширилади;

якка тартиbdаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда якка тартиbdаги тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда берилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оиласвий корхоналар айланмадан солиқни белгилangan микдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Йқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси 2021 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни осонлаштириш, шу жумладан, қўйидагиларга имкон яратувчи сервислардан реал вақт режимида фойдаланишга ёрдам берадиган «Бизнес навигатор» ахборот тизимини жорий қилсин:

тадбиркорлик фаолиятининг тегишли худуддаги рақобатбардош турини танлаш;

кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва хужжатлар тўпламини шакллантириш;

тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк объексларини танлаш.

**9. Қўйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларнинг молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

**10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги** Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда қўйидагиларни назарда тутсинг:

ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам микдорини ўрнатиш;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ишчиларига ёлланиб ишлаш асосида меҳнат фаолиятини олиб борувчи шахслар учун ўрнатилган солиқка тортиш тартибини татбиқ қилиш.

**11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Молия вазирлиги** ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда амалий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

**12. Ўзбекистон Республикаси** Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 8 июнь,  
ПҚ-4742-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2020 йил 8 июндаги  
ПҚ-4742-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзини ўзи банд қиласиган шахслар учун фаолият  
(ишлар, хизматлар) турлари  
РЎЙХАТИ**

1. Уйда репетиторлик қилиш — болалар ва катталар билан таълим фанлари бўйича якка тартибда ҳамда гурух бўлиб машғулотлар ўтказиш
2. Болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар
3. Беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтоҷ кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар
4. Уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини бажариш, шу жумладан, турар жойларни тозалаш, овқат пишириш бўйича уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш
5. Хоналарни тозалаш, жисмоний шахс ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш
6. Уйда жисмоний шахсларнинг мебелларини таъмирлаш ва йиғиш
7. Жисмоний шахсларга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш, қурилиштаъмирлаш ишлари (бетон қувиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, ғишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)
8. Жисмоний шахсларнинг сантехника ускуналарини майдада таъмирлаш ва ўрнатиш
9. Жисмоний шахсларга квартира ичидаги (шахсий қурилиш ишларида — уй ичидаги) электр монтаж ишлари (электр хавфсизлиги бўйича рухсати бўлганда)
10. Дехқон ва фуқароларнинг томорқа участкаларида ер чопиш ва рекультивация ишлари
11. Фермер хўжаликлари эгалари буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари (қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ҳайвонларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиш ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлари)
12. Фуқароларнинг дала-ҳовли ва томорқа участкалари ландшафтини барпо этиш ишлари
13. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиб олишда дехқон ва томорқа участкалари эгаларига ёрдам бериш
14. Чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш
15. Жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва созлаш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш

16. Буюртмачининг уйида бажариладиган майший техникани ўрнатиш ва таъмирлаш
17. Жисмоний шахсларнинг шахсий автомобилларини майдага таъмирлаш, уларга аксессуарлар ва автосигнализация ўрнатиш, филофлар ва пол қопламаларини тикиш
18. Жисмоний шахсларнинг автомобилларини ювиш, автомобиллар кузовларини силлиқлаш
19. Механизация воситаларини қўлламай, уйда бажариладиган юк ортиш-юк тушириш ишлари
20. Макулатура, пластик идиш, темир-терсак ва қўшимча хом ашё тўплаш
21. Халқ табобати (лицензияси бўлганда)
22. Хусусий шахсларга бош хизматкор ва консьерж хизматларини кўрсатиш
23. Шахсий транспортдан фойдаланиб, жисмоний шахсларга товарларни етказиб бериш (юк ташиш бундан мустасно)
24. Бозорлар ва савдо комплексларида майдага юкларни араваларда ташиш
25. Илгари фойдаланилган товарларни сотиб олиш ва сотиш
26. Велосипедларни таъмирлаш
27. Ёғоч меъморчилиги (болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар)
28. Рассомлик
29. Металл таъмирлаш ишлари (уйда амалга ошириладиган майший металл буюмларини таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа майший металл буюмларини оддий таъмирлаш)
30. Уйда попкорн, фрезерда музқаймоқ тайёрлаш ва сотиш
31. Дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
32. Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
33. Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр хизматлари
34. Косметолог хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар
35. Уйда кир ювиш ва дазмоллаш хизматлари
36. Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантереяси буюмларини таъмирлаш, ахолининг якка тартибдаги буюртмаси бўйича тикув ва трикотаж буюмларини, бош кийимларини ва тўқимачилик галантереяси буюмларини тикиши
37. Газламаларга нақшлар солиш (газламалар ва кийим ашёларини қўлда бўяш, газламаларга, шу жумладан, трафаретли босма ва қўлда расм чизиш усули билан расмлар солиш)
38. Ахолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича пойабзал тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш
39. Якка тартибда дераза ва эшик пардаларини тикиш ва таъмирлаш, каштачилик

40. Галантерея буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
41. Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш
42. Калитлар тайёрлаш
43. Ўлчов воситалари тайёрлаш ва ижарага бериш
44. Гулчамбарлар (шу жумладан, мотам гулчамбарлари), сунъий гуллар, икебана, гул маржонларини тайёрлаш
45. Тўсиқлар, ҳайкаллар, металлдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш
46. Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
47. Аквариум балиқлари, декоратив қушлар ва бошқа ҳайвонларни кўпайтириш ва сотиш
48. Мусиқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш
49. Видео ва фотосуратга олиш хизматлари
50. Қадоқлаш ускуналаридан фойдаланмаган ҳолда ўй шароитида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш
51. Миллий нон ва патирларни тайёрлаш ва сотиш
52. Салатлар ва тузламаларни тайёрлаш ва сотиш, шунингдек, ўй шароитида доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва ўтириш жойларини ташкил этмасдан ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг карори билан ажратилган маҳсус жойларда сотиш
53. Уйда қўйиб сотиш учун салқин ичимликлар, айрон, гўжа ҳамда курт тайёрлаш ва сотиш
54. Тўгараклар ташкил этиш ва юритиши
55. Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар)
56. Гуллар ва декоратив дараҳтлар етишириш ва сотиш (шу жумладан, бонсай санъати)
57. Реклама буклетларини тарқатиш, уйда операторлар томонидан буюртмалар қабул қилиш
58. Муқовалаш ишлари
59. Намойишларда кийимлар моделини намойиш қилиш, расмли журналларда, реклама фильмлари ва видео клипларда суратга тушиш
60. Экскурсияни ташкил этиш ва ўтказиш хизматлари
61. Матнни яратиш ва ишлов бериш (копирайтер, рерайтер, SEO-копирайтер, SEO-рерайтер, мусаххих, контент-менежер, муҳаррир, e-mail опқали хатларни жўнатиш бўйича мутахассис, спичрайтер, транскрибер ва бошқалар)
62. Мультимедиа, дизайн ва санъат материалларини яратиш ва ишлов бериш (веб-дизайнер, графика дизайнери, компьютер ўйинлари дизайнери, интеръер дизайнери, ландшафт дизайнери, либослар дизайнери, ретушер, фотоколлажчи, вектор графикаси муҳаррири, архитектор, визуаллаштирувчи дизайннер, маълумот дизайнери, интерфейс дизайнери, техник дизайннер, моушн-дизайнер, баннер ясовчи, нашриёт дизайнери, флешер, 3D-дизайнер, видео муҳаррир, видеооператор, бастакор, овоз режиссёри, аранжировкачи, сухандон, фото муҳаррир ва бошқалар)
63. Дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобил иловалар ва веб-

сайтларни ишлаб чиқиш ва техник қўллаб-куватлаш (дастурчи, дастурий таъминотни синовчи мутахассис, веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-таҳлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис)

64. Таржима қилиш хизматлари (бадиий адабиётни таржима қилиш, техник таржима, веб-сайтлар, фильмлар, компьютер ва мобил иловалар, тақдимотлар, видео ва рекламалар таржимаси)

65. Ижтимоий тармоқлардаги фаолият (PR-менеджер, интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни илгари суриш ва реклама қилиш (SMM), ижтимоий тармоқ сахифалари администратори, аккаунт-менеджер, маркетолог, линк-менеджер, таргетолог, контекст-реклама бўйича мутахассис, директолог, медиа режалаштирувчи, SMO мутахассиси)

66. Кадрлар танлаш соҳасидаги фаолият (интернет-лойиҳалар билан ишловчи менеджер, фрилансерлар гурӯхи раҳбари, HR-менеджер, рекрутер, шахсий ассистент)

67. Онлайн консультация бериш (онлайн-консультант, онлайн-тренер, молиявий маслаҳатчи, вебинар олиб борувчи)

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзини ўзи банд қиласиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **247 2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш- нинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида\***

Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом ракобатни кучайтириш, карантин шароитида олий таълим муассасаларигаabituriyentlarning хужжатларини қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини лозим даражада ўтказиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

#### 1. Белгилансинки:

a) 2020/2021 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишларига ўқишига

\* Ушбу қарор «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 июнда эълон қилинган.

қабул қилишда:

абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлига қадар (20 июль куни ҳам) бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси га коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссияси томонидан белгиланган худудларда — Давлат хизматлари марказлари орқали, барча худудларда — Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) расмий веб-сайти орқали амалга оширилади;

кириш тест синовлари аббитуриент танлаган бакалавриат таълим йўналишига мос иккита фандан ўтказилади;

абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади;

б) 2020/2021 ўкув йили қабулидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилади;

давлат олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликлари га ўқишига кириш, шунингдек, бакалавриат таълим йўналишларига ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш учун хужжатларни топшириш жараёни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2020/2021 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари (кейинги ўринларда — Давлат буюртмаси параметрлари) ишлаб чиқилганлиги;

мазмун жиҳатдан яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бирлаштирилганлиги ва профиль ихтисослашув соҳалар кенгайтирилганлиги;

магистратура мутахассисликлари йириклиштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Давлат буюртмаси параметрлари:

а) бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

кундузги таълим шаклига — 103 575 нафар этиб 1-иловага\*;

сиртқи таълим шаклига — 31 350 нафар этиб 2-иловага\*;

кечки таълим шаклига — 5 025 нафар этиб 3-иловага\*;

б) магистрлар тайёрлаш бўйича — 10 425 нафар этиб 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

\* 1 — 4-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. 2020 / 2021 ўкув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) таркиби 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қуидаги хуқуклар берилсин:

зарурат бўлганда, янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш ҳамда ташкил этиладиган янги олий таълим муассасалари қабул параметрларини белгилаш учун Давлат буюртмаси параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

иктисодиёт тармоқлари ва худудларнинг, шу жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган туманларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва худудлар бўйича мақсадли қабул параметрларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида олий таълим муассасаларининг нуфузи ва худудий жойлашувини хисобга олган ҳолда базавий тўлов-контракт кийматидан келиб чиқиб табақалаштирилган тўлов-контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини таълим соҳалари ва республика худудлари бўйича белгилаш (ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасалари бундан мустасно);

профессионал таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини тасдиқлаш.

5. Фарғона вилоятининг Сўх туманини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, истиқболда мазкур худуднинг иктисодиёт тармоқларини замонавий фикрлайдиган малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида ушбу туман учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча давлат гранти асосида 500 та ўрин миқдоридаги мақсадли қабул параметрлари ажратилсин.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда мазкур қабул параметрларини эҳтиёжга мувофиқ олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш бўйича асосланган таклифларни бир ҳафта муддатда Давлат комиссиясига киритсин.

6. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларига ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш хуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари ректорлари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган тўлов-контракт миқдори ҳақидаги маълумотларни бир ҳафта муддатда оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида эълон қилсин.

---

\* 5-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжлари тўлиқ автоматлаштирилган тарзда «quota.mineconomy.uz» ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) орқали шакллантирилади.

8. Буюртмачиларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш жараёнини рақамлаштириш мақсадида 2020 йил 1 октябрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли кадрларга бўлган жорий эҳтиёжини кузатиб бориш имкониятини яратиш учун «Ягона миллӣй меҳнат тизими» идоралараро дастурӣ-аппарат комплексини Ахборот тизими билан интеграциясини;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги республиканинг барча мактабларида битирувчи синфлардаги ўқувчилар сони ҳамда педагогик таркиби тўғрисида доимий янгиланиб борувчи маълумотлар базасини Ахборот тизими билан интеграциясини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотларни «Электрон рақамли имзо» тизимини қўлланган холда Ахборот тизимига киритилишини ҳамда Ахборот тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб борилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Халқ таълими вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар умумтаълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ҳамда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини унификация қилиш ва ягона имтиҳонни ўйлга кўйиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсан.

10. Давлат комиссияси 2020 йил 20 июнга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ветеринария соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган худудлар учун Давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларининг туман (шаҳар)лар кесимидағи тақсимотини;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда Давлат тест марказининг таклифлари асосида олий таълим муассасаларига Давлат буюртмаси параметрларининг таълим тилларига қараб тақсимотини тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:

а) бир ой муддатда:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш

агентлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўкув йилида янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари ни ҳисобга олган ҳолда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малакавий талаблари, ўкув режалари ҳамда фан дастурларини ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

б) 2020 йил 31 декабрга қадар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда бити-рувчиларга асосий ҳамда қўшимча квалификация бериш тартибини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар қўйидагилар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин:

олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларида факат давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини белгилаш;

тўлов-контракт асосидаги қабул кўрсаткичларини олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш. Бунда, тўлов-контракт асосидаги қабул кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган микдордан кам бўлмаслиги лозим;

иқтидорли талабаларни нодавлат олий таълим ташкилотларида ҳам давлат гранти асосида ўқитиш;

алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим соҳаларининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун касбий (ижодий) имтиҳонлар билан биргаликда мажбурий учта — она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича тест синовлари топшириш тартибини жорий қилиш.

12. Спорт соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жараёни оптималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг «Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)» бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил бўлган таълим дастурлари доирасида кадрлар тайёрлашни амалга ошириш тўғрисидаги таклифига роziлик берилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки:

2020/2021 ўкув йилидан бошлаб «130 000-Математика» таълим соҳаси бўйича магистратура мутахассисликлари учун Давлат буюртмаси параметрлари тўлиқ давлат гранти асосида шакллантирилади;

2020/2021 ўқув йилида давлат гранти асосида бакалавриат ва магистратурага ўқишига қабул қилинган шахсларни ўқитиш билан боғлиқ ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 12 июнь,  
ПҚ-4749-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2020 йил 12 июндаги  
ПҚ-4749-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3726-сон қарори 2-бандининг «б» кичик бандидаги «жойлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўtkaziladigani test sinnovlari» сўзлари «ўринлар олий таълим муассасаларига ўқишига кириш имтиҳонлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 февралдаги «Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4212-сон қарори 3-бандининг бешинчи хатбоисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўtkazilgan test sinnovlari» сўзлари «олий таълим муассасаларига ўқишига кириш имтиҳонлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4319-сон қарори 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги «қабулидан бошлаб» сўзлари «қабули доирасида» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «2020/2021» рақамлари «2021/2022» рақамлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сон қарори 9-бандида:

«в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) дастлабки босқичда Тошкент давлат педагогика университетида ўқув жараёни ўқув режа ва дастурлар такомиллаштирилган ҳолда таълимнинг кредит-модуль тизими асосида ташкил этилсин.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб педагогик фаолиятда умумтаълим фанлари муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда алоҳида иқтидор таълаб этиладиган педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун касбий (ижодий) имтиҳонлар билан биргаликда мажбурий учта — она тили (ўзбек, рус ёки корақалпок тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича тест синовлари топшириш тартиби жорий қилинсин. Бунда, коида тарикасида, мажбурий учта фан бўйича тест синовлари касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари эълон қилинганидан сўнг ўтказилиши белгилаб қўйилсин»;

«г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

## БЕШИНЧИ БҮЛІМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**248 Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2453-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 16 марта ги 6/2-сон қарори (рўйхат рақами 2453, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 230-модда) билан тасдиқланган Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 16 май,  
11/8-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил  
16 майдаги 11/8-сон қарорига  
ИЛОВА

**Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларининг  
ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисида  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Низомнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган микрокредит ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этишга қўйиладиган талабларни ҳамда унинг фаолиятини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди.».

2. 20-банднинг бешинчи хатбошидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йифимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 21-банднинг «г» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йифимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йифимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «йифимларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**249 Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 1-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2967-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 529-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2967, 2018 йил 6 февраль) (Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 10/18/2967/0659-сон) билан тасдиқланган Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларига 1-илованинг матни мазкур бўйруқнинг иловасига мувофиқ таҳирда баён этилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир в. б.**

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 21 май,  
181-сон

Ўзбекистон Республикаси  
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил  
21 майдаги 181-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**«Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш  
(қайта рўйхатдан ўтказиш) учун белгиланган  
ТЎЛОВЛАР ПРЕЙСКУРАНТИ**

T/p	Хизмат қўрсатиш тури	Тўлов миқдори
1.	Осма ва стационар двигателли кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳамда кичик ҳажмли кема билети учун	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи
2.	Эшқакли ва елканли кемаларнинг барча турларини, шу жумладан, шишириладиган турларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи
3.	Кичик ҳажмли кема билети дубликатини бериш учун	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**250 Кичик ҳажмли кемаларни техник кўрикдан ўтказиш  
қоидаларининг 1-иловасига ўзгартириш киритиш  
тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2968-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 530-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2968, 2018 йил 6 февраль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 10/18/2968/0660-сон) билан тасдиқланган Кичик ҳажмли кемаларни техник кўрикдан ўтказиш қоидаларига 1-илованинг матни мазкур бўйруқнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир в. б.**

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 21 май,  
182-сон

Ўзбекистон Республикаси  
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил  
21 майдаги 182-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**«Кичик ҳажмли кемаларни техник кўрикдан ўтказиш учун  
тўловлар преискуранти**

T/р	Хизмат кўрсатиш тури	Тўлов миқдори
1.	Осма ва стационар дигителли кичик ҳажмли кемаларни техник кўрикдан ўтказиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи
2.	Эшқакли ва елканли кемаларнинг барча турларини, шу жумладан, шиширилдиган турларини, техник кўрикдан ўтказиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи
3.	Кичик ҳажмли кемаларни таъмирдан чиқарилганда, қайта жиҳозланганда, авариядан кейин техник кўрикдан ўтказиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи

».

\* Ушбу бўйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ  
ҖАРОРИ

**251 Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг  
фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Давлат божи тўғрисида»ги ва «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон қарори (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2018 й., 30-сон, 630-модда) билан тасдиқланган Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 май,  
12/4-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил  
25 майдаги 12/4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини  
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 7-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:
- «7. Кредит бюроси ўзининг фирма номи ёзилган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақли.».

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

2. 32-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Кредит бюросига лицензия берганлик учун давлат божи ундирилмайди.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**252 Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1477-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес мухитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/6-сонли қарори (рўйхат рақами 1477, 2005 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 22-сон, 163-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 май,  
12/6-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
 Марказий банки бошқарувининг 2020 йил  
 25 майдаги 12/6-сон қарорига  
 ИЛОВА

**Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари  
 бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
 киритилаётган ўзгартеришлар**

1. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
 «3. Сўндирилган қимматли қофозлари бланкаларига, шунингдек, яроқиз ҳолга келган ва (ёки) фойдаланилмаган қимматли қофозлари бланкаларига «Сўндирилган» ёзуви билан белги киритилиши шарт.».
2. 21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
 «21. Далолатнома банк Бошқаруви раисининг имзоси билан тасдиқла-  
 нади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**253 Марказий банк томонидан тижорат банкларининг  
 ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар  
 тўғрисидаги низомга ўзгартеришлар ва қўшимча киритиш  
 хақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 916-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда 466-сон билан тасдиқланган Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 916, 2000 йил 5 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳуж-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

жатлари ахборотномаси, 2000 й., 7-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 май,  
12/14-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил  
25 майдаги 12/14-сон қарорига  
ИЛОВА

**Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички  
меъёрий хужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1.2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонунчилик хужжатлари ва Марказий банкнинг тегишли меъёрий хужжатлари» деган сўзлар «қонун хужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1.3-банддаги «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонунчилик хужжатлари,» деган сўзлар «қонун хужжатлари ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1.8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий хужжатларига» деган сўзлар «қонун хужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 2.1-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.1. Тижорат банклари ишлаб чиқсан меъёрий хужжатлар қонун хужжатларига мувофиқ бўлиши ва Марказий банкнинг меъёрий хужжатлари талабларига жавоб бериши шартdir.».

5. 2.2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.2. Ички меъёрий хужжатда мазкур хужжат қайси қонун хужжати (унинг моддалари ёки бандлари) ижроси юзасидан қабул қилинаётганилиги кўрсатилиши шарт.».

6. 2.5-банднинг биринчи хатбошисидаги «амалдаги қонунчиликда» деган сўзлар «қонун хужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 2.6-банднинг биринчи хатбошисидаги «амалдаги қонунчилик ва Марказий банк меъёрий хужжатларида» деган сўзлар «қонун хужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 3.1-банда:

биринчи хатбошидаги «амалдаги қонунчилик ва Марказий банк меъёрий хужжатларига» деган сўзлар «қонун хужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «амалдаги қонунчиликка ва Марказий банкнинг меъёрий хужжатларига» деган сўзлар «қонун хужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 3.4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий хужжатларида» деган сўзлар «қонун хужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 3.5-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Марказий банкнинг меъёрий хужжатларига» деган сўзлар «қонун хужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўрганиш давомида тижорат банклари ички меъёрий хужжатлари қонун хужжатларига зид бўлган ёхуд уларнинг талабларига тўлиқ жавоб бермаслик холлари аниқланган тақдирда, Марказий банк ушбу ички меъёрий хужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ёки уларни бекор қилиш тўғрисида тижорат банклари кенгашлари ёки бошқарувларига ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма беради.»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

11. Кўйидаги мазмундаги 3.7-банд билан тўлдирилсин:

«3.7. Тижорат банклари улар томонидан қабул қилинган ички меъёрий хужжатларнинг, шунингдек, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг реестрини юритиб бориши лозим.

Ички меъёрий хужжатлар, шунингдек, уларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тижорат банклари томонидан тасдиқлангандан сўнг 15 кун ичida Марказий банкка тақдим этилиши керак.».

12. 4.1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4.1. Тижорат банкларининг кредит операцияларини тартибга солувчи ички меъёрий хужжатлари қонун хужжатлари ҳамда Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) ва Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит хужжатларини юритиб тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 906, 2000 йил 2 март) талабларига ва бошқа меъёрий хужжатларига мувофиқ бўлиши шарт.».

13. 5.2-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

## **254 Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3240*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий химоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги қарор қиласди:

1. Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
 2020 йил 15 май,  
 14-2020 к/қ-сон

**Халқ таълими вазири**

**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2020 йил 15 май,  
 6-мх-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

**Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазири**

Тошкент ш.,  
2020 йил 15 май,  
33-қ/қ-сон

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2020 йил 15 май,  
16-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

Тошкент ш.,  
2020 йил 15 май,  
71-сон

**Мактабгача таълим вазири**

Тошкент ш.,  
2020 йил 15 май,  
8-сон

**И. МАДЖИДОВ**

**Т. ИШМЕТОВ**

**А. ШАДМАНОВ**

**А. ШИН**

Ўзбекистон Республикаси  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,  
Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни  
сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим  
вазирлигининг 2020 йил 15 майдаги  
14-2020 қ/қ, 6-мх, 33-қ/қ, 16, 71,  
8-сон карорига  
ИЛОВА

**Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари,  
функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талабларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ижтимоий ходим** — ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкиллаш-

тирадиган ёки бевосита ижтимоий хизматларни кўрсатувчи зарур касбий малакага эга бўлган шахс.

Ижтимоий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, лавозим маошларига қўшимчалар ва устамалар, шунингдек, мукофотлар ва бошқа барча турдаги тўловлар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилган локал хужжатларга мувофиқ амалга оширилади;

**ижтимоий хизмат** — оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган шахслар, оиласарда юзага келган ижтимоий муаммоларини енгиб ўтишга ҳамда жамиятда бошқа шахслар билан тенг имкониятлардан фойдаланишига шартшароит яратишга қаратилган иш ва хизматлар мажмуюи.

2. Ижтимоий ходимнинг қўйидаги лавозимлари мавжуд:

барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассис;

оила, болалар ва ёшлар билан ижтимоий хизмат олиб борувчи ижтимоий ходим;

ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш бўйича ижтимоий ходимнинг асистенти.

3. Ушбу Йўриқнома юқорида кўрсатилган лавозимларнинг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

## **2-боб. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассиснинг вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари**

4. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассис ўз ташкилотида ташкил этилган штат бирлиги ва функционал вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда қўйидагиларни амалга оширади:

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам жараёнини бошқариш ҳамда ижтимоий вазиятлар бўйича ишларни юритиш;

турмуш шароитини мажмуавий баҳолаш, ижтимоий хизматлар режасини ишлаб чиқиш, кўрсатиладиган хизматларни мувофиқлаштириш, мониторингини амалга ошириш ва натижасини баҳолаш;

ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий ёрдам беришнинг оптималь шаклларини аниқлаш ва кўллаш;

оғир ижтимоий вазиятда бўлган шахсларни (ногиронлиги бўлган, кексалик ёки беморлик даврида ўз-ўзига хизмат қила олмайдиган, ишсиз, етим, ёлғиз, қаровсиз, кам таъминланган, оиласида зиддиятли ёки шафқатсиз муносабатга учраган, ҳақ-ҳуқуқлари бузилган, аниқ яшаш жойи мавжуд бўлмаган, психофаол моддаларга қарам бўлган, рухий касаллик, ОИТС/ОИВ ва бошқа касалларлар мавжудлиги сабабли хаёт фаолияти бузилган) комплекс ижтимоий ҳимоя қилинишини ташкиллаштириш;

ўз иш фаолиятида ахолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг илмий асосли ёндашувларини қўллаш;

ногиронлиги бўлган шахслар ва гурухларга салбий таъсир кўрсатувчи шахсий, ижтимоий, экологик ва маънавий характерга эга бўлган қийинчилекларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишда кўмаклашиш;

хукуқий, профилактик, қўллаб-кувватловчи, реабилитацион ва терапевтик хусусиятга эга психоижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали шахсларга оғир турмуш шароитидан чиқишига кўмаклашиш;

хар бир шахснинг ўз ҳаётй вазиятини яхшилаши учун шахсий имкониятларидан кенг фойдаланишига ёрдам бериш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ва гурухларни ижтимоий ҳимоя қилишда барча мавжуд воситалардан фойдаланиш.

5. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассис қўйидаги ваколатларга эга:

а) ижтимоий-хукуқий йўналтирилган вазифаларни амалга оширишда:

соғлиқни сақлаш, таълим, хуқук ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалирида шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, белгиланган тартибда маълумотлар алмашиш;

давлат ҳокимияти органларига ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш;

суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органларга шахсларнинг (жисмоний, эмоционал, жинсий зўравонлик ва мажбурлаш ҳолатлари юзасидан) хуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги мурожаатларини киритиш;

муаммоли ва низоли оиласаларни мониторинг қилиш, оиласанинг ижтимоий-иктисодий, маънавий ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш;

оиладаги муаммоли вазиятлар ёки низоларни бартараф этишда иштирок этиш,

шахсларни қонунда белгиланган имтиёзлар, пенсия ва нафақалар, шунингдек, бошқа турдаги ижтимоий ёрдам турлари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, пенсия ва нафақалар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни йиғиши ва расмийлаштиришда кўмаклашиш;

ижтимоий ҳимояга оид масалалар бўйича методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

гурух ва индивидуал тарзда психотерапия ўтказиш ҳамда маслаҳат бериш;

давлат ва жамият учун хавфли бўлган ҳаракатлар, жумладан, фавқулодда вазиятлар (табиий оғатлар, эпидемия, ҳарбий ҳаракатлар) ва унинг оқибатларини олдини олишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлик қилиш;

ижтимоий хизматлар соҳасида васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга маслаҳат ёрдами бериш ҳамда уларни ижтимоий-хукуқий, психологик-педагогик, тиббий жиҳатдан комплекс қўллаб-кувватлашни таъминлаш;

васийлик ёки ҳомийликнинг ўрнатилишида иштирок этиш;

баҳолаш (ўрганиш) жараёнини олиб бориш, ижтимоий кузатув ва мониторингни амалга ошириш;

эҳтиёжли аҳоли қатлами учун майший ва ижтимоий-реабилитацион хизматлар, шунингдек, қулай инфратузилмалар яратилишига кўмаклашиш;

шахсларга уй-жой ва ижтимоий-майший муаммоларни бартараф этишда кўмаклашиш;

ишиз шахсларни ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ёки қайта ўқитишига кўмаклашиш;

коммуникатив, ҳаётий, ижтимоий ва ўз-ўзини руҳий бошқариш кўнік-маларини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар (тренинг) ўтказиш;

б) тиббий-ижтимоий йўналтирилган вазифаларни амалга оширишда:

шахсларга саломатлик, яшаш шароитлари, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар тўғрисида маслаҳат бериш ва маълумот етказиш;

шахснинг тиббий-ижтимоий хизматларга бўлган ҳукуқлари ва муаммолари хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ушбу хизмат турларини кўрсатиш тартиби тўғрисида маълумот етказиш;

саломатлиги бўйича муаммолари бўлган шахсларни парваришлиш ва уларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкиллаштириш;

оилалар ва шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам беришни мувофиқлаштириш;

паллиатив (руҳий-ижтимоий ва маънавий қўллаб-кувватлаш орқали ҳаётига таҳдид солувчи касаллик муаммолари билан тўқнушган bemорлар ва уларнинг оилаларини ҳаёт сифатини яхшилаш учун) ёрдамни ташкиллаштириш;

ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар (руҳий касалликлар, ОИВ/ОИТС, туберкулёз, онкологик, психофаол моддаларга қарам ва бошқа) билан касалланган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш;

в) интегратив вазифаларни амалга оширишда:

индивидуал, гурух ва худудий даражадаги соматик, руҳий, репродуктив саломатликнинг ижтимоий аҳамиятга эга касалликларининг профилактик чораларини амалга оширишда ёрдам бериш;

шахсларнинг соғлом турмуш тарзига бўлган муносабатини шакллантириш;

оилани режалаштириш, ногиронликнинг олдини олиш масалаларини ёритиш;

тиббий-ижтимоий экспертизани ташкиллаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитациясини ташкиллаштириш;

клиник тиббиётнинг психиатрия, наркология, онкология, гериатрия, жарроҳлик, акушер-гинекология ва бошқа соҳаларида ижтимоий хизматни ташкиллаштириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, ушбу касалликка чалинганлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;

реабилитацион, психологик-педагогик, ижтимоий-ҳукуқий турдаги ўз-ўзига ва ўзаро кўмаклашувчи терапевтик жамоаларни шакллантириш;

турли даражадаги ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламлари учун тиббий-ижтимоий комплекс дастурларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

шахслар муаммоларини бартараф этишда мұқобил касбдаги мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиги узвийлигини таъминлаш.

6. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассис кўйидаги лавозим мажбуриятларини амалга оширади:

ижтимоий ёрдам ва хизматга мухтоҷ шароитда яшаётган ёки қийин ҳаёт шароитида бўлган оиласлар, ёлғиз кексалар, меҳнатга лаёқатсиз ва бошқа шахслар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш;

ижтимоий нохуш вазиятлар сабабини аниклаб, шахс ва оиласларни тегишли ташкилотларга йўналтириш ҳамда зарур ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатилишида ҳамкорлик қилиш;

турли вазиятлар бўйича шахснинг ҳолатини комплекс баҳолаш, кўрсатиладиган хизматлар режасини тузиш ва уларнинг тақдим этилишида ҳамкорлик қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифати мониторингини амалга ошириш;

ногиронлиги бўлган ва психожисмоний ривожланишида муаммолари бўлган фарзандлари бор оиласлар, қочоқлар ва кўчишга мажбур бўлган оиласлар, байналмилал бурчини ўтаган шахслар ва тинч даврда ҳарбий ҳаракатлар иштирокчиларининг оиласлари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбияланётган оиласларга (фарзандликка олинган, васийлик, ҳомийлик белгиланган ёки тутинган ота-оналар), шунингдек, ёлғиз кексалар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий патронажни амалга ошириш;

даволаш-соғломлаштириш, таълим-тарбия, ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларига йўлланма бериш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;

зарур ҳолларда ўзгалар парваришига мухтоҷ кексалар, ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ҳимояга мухтоҷ бошқа шахсларни давлат ижтимоий муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашиш ҳамда ушбу муассасаларга бориша ҳамроҳлик қилиш;

ногиронлиги бўлган ёки ҳаракатланишида муаммолари бўлган шахсларга реабилитация техник воситаларини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;

кўп болали оиласларга, ёлғиз кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларга ёрдам берувчи турли давлат, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиришда кўмаклашиш;

оилани қийин ҳаёт тарзидан чиқариш бўйича маълумотларни ягона маълумотлар базасига киритиши;

ижтимоий ҳимояга мухтоҷ шахсларни узоқ муддатли ёки вақтинчалик ижтимоий хизматга қабул қилиш, шифохонага жойлаштириш, шунингдек, васийлик ва ҳомийликни белгилаш учун ҳужжатларни тайёрлашга ва расмийлаштиришга кўмаклашиш;

ғайриижтимоий ва ҳуқуқий нормаларга зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ишига жалб этилган ташкилотлар (ички ишлар органлари, ижтимоий таъминот бўлимлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, жамоат ташкилотлари ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилиш;

шахслар учун ҳордик чиқариш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ташкиллаштиришда иштирок этиш;

ижтимоий патронажга мухтожларни аниқлаш, кўрсатилаётган хизмат турларининг сифати ва динамикасини таҳлил қилиш;

худудда ижтимоий ва оила сиёсатини шакллантириш ва такомиллаштириш, худудий ижтимоий дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнларида иштирок этиш;

услубий кенгаш, ижтимоий ходимлар услубий бирлашмалари ишлари, ижтимоий масалалар бўйича семинарлар ташкиллаштириш ва ўтказишда иштирок этиш;

шахсларга ижтимоий масалалар бўйича маслаҳат бериш;

иш фаолиятига оид зарур хужжатларни юритиш.

7. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутаассиссинг малакасига бўлган талаблар:

олий тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат, магистратура ёки олий таълимдан кейинги таълим) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада беш йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлганда;

биринчи тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат, магистратура ёки олий таълимдан кейинги таълим) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада уч йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлганда;

иккинчи тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлганда;

тоифасиз — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) олий (бакалавриат) маълумот, иш стажи талаб этилмайди.

### **3-боб. Оила, болалар ва ёшлар билан ижтимоий хизмат олиб борувчи ижтимоий ходимнинг вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари**

8. Оила, болалар ва ёшлар билан ижтимоий хизмат олиб борувчи ижтимоий ходим ўз ташкилотида ташкил этилган штат бирлиги ва функционал вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда қўйидагиларни амалга оширади:

болалар, жумладан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлиш хавфида бўлган болалар, зўравонлиқдан жабр кўрган, психожисмоний ривожланишида нуқсонани ва/ёки ногиронлиги бўлган, ижтимоий-хукукий хатар гурухига кирувчи ва бошқа ҳимояяга мухтож болаларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсий мулкий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат таълим-тарбия, даволаш-соғломлаштириш, ижтимоий ҳимоя муассасаларини битирувчи болалар, шунингдек, уюшмаган ёшларнинг мустақил ҳаётга ижтимоий мослашувлари давомида юзага келувчи муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш, уларнинг манфаатларини илгари суриш.

9. Оила, болалар ва ёшлар билан билан ижтимоий хизмат олиб борувчи ижтимоий ходим қўйидаги асосий лавозим мажбуриятларини амалга оширади:

давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам жараёнини бошқариш ҳамда вазиятлар бўйича ишларни юритиш, оила ва бола ҳамда ёшларнинг ҳаёт тарзи, эҳтиёжлари қондирилиши учун яратилган имкониятларни комплекс баҳолаш, кўрсатиладиган хизматлар режасини (ижтимоий ҳимоя, васийлик белгилаш, оиласига қайтариш, ижтимоий кузатувни амалга ошириш ва бошқалар) ишлаб чиқиш, кўрсатиладиган хизматларни мувофиқлаштириш, мониторингини амалга ошириш ва натижани баҳолаш;

болани Болалар уйи, «Мехрибонлик» уйи, Болалар шаҳарчаси, «SOS — болалар маҳаллалари», Оилавий болалар уйи ва жисмоний ёки психик ривожланишида нуксони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида бола ва унинг оиласига руҳий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун идоралараро ҳамкорлик жамоасини (педагоглар, тарбиячилар, психологлар, тиббиёт ходимлари, ички ишлар ходимлари ва бошқалар) ташкиллаштириш;

имкон бўлган ҳолларда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим-тарбия, ўғил бола ва қиз болалар учун республика ўкув-тарбия муассасаларида тарбияланадиган болаларни ўз оиласига қайтариш ёки тутинган оиласига бериш мақсадида уларнинг ҳаёт тарзини мунтазам кузатиб бориш;

ўз оиласидан ташқарида тарбияланадиган боланинг яқинлари, жумладан, ака-укалари ва опа-сингиллари билан мунтазам алоқасини таъминлаш;

оила ғамхўрлигига муҳтож болани ўз оиласига тарбиялаш учун олиш истагида бўлган шахсларни танлаш, тайёрлаш ва уларни кузатиб бориш;

боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда оила ва болани васийликнинг бир шаклидан бошқасига муаммосиз ўтишга тайёрлашни таъминлаш;

етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани ўз тарбиясига (васийлик ва ҳомийлик, патронат, фарзандлик, оилавий болалар уйи) олган оиласарга маслаҳатлар бериш;

етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган тарбияга (васийлик ва ҳомийлик, патронат, фарзандликка, оилавий болалар уйи) олинган болаларнинг яшаш шароити, боланинг шахси ва хулқ-атвори шаклланиши бўйича доимий мониторинг олиб бориш, бу ҳақида васийлик органларига мунтазам равиша маълумотлар бериб бориш;

вояга етмаган ва кузатувсиз мустакил яшаётган ўсмирларни кузатиш ва уларга яшаш жойи бўйича руҳий-ижтимоий хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш;

психожисмоний ривожланишида муаммолари бўлган ёки ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилаларга яшаш жойи бўйича руҳий-ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

ижтимоий мослашувда қийинчиликлари бўлган, психотроп моддалар истеъмол қилган, ўз жонига қасд қилиш хавфи остида бўлган ва бошқа қийин ҳаётй вазиятдаги болалар ва ёшларга яшаш жойи бўйича руҳий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш;

Болалар уйи, «Мехрибонлик» уйи, Болалар шахарчаси, «SOS — болалар махаллалари», Оилавий болалар уйи ва жисмоний ва психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларига келгунга қадар болаларнинг турар жойлари мавжуд бўлса, уларнинг турар жойга бўлган ҳукуқларининг сақланилиши ёки таъминланшини химоя қилиш, жумладан, тарбияланувчининг турар жойи бегоналаштирилишининг олдини олиш, турар жойи мавжуд бўлмаган ҳолда қонун билан ўрнатилган тартибда турар жойга муҳтоjlар сифатида рўйхатга қўйиш, тарбияланувчига тегишли бўлган турар жойни шартнома асосида ижарага бериш ва унинг банк ҳисоб ракамига ижара тўловининг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш;

вояга етмаганларнинг, жумладан, Болалар уйи, «Мехрибонлик» уйи, Болалар шахарчаси, «SOS — болалар махаллалари», Оилавий болалар уйи, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларининг мулкий ҳукуқларини (алимент, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ёки нафака ва қонун билан белгиланган бошқа имтиёzlар) химоя қилиш ҳамда тегишли хужжатларини расмийлаштиришда кўмаклашиш;

болаларнинг шахсни тасдиқловчи хужжатларини (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт) олишини таъминлаш, рўйхатга қўйиш ва рўйхатдан чиқариш масалаларини амалга оширишда кўмаклашиш;

судда ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларининг манфаатларини химоя қилиш, ҳукуқшунос билан ҳамкорликда судда алимент ундириш, ота-оналарни ота-оналиқ ҳукуқидан маҳрум қилиш ёки тиклаш тўғрисидаги даъво аризаларини кўриб чиқиш учун асослантирилган материал тайёрлаш;

бала ҳуқуqlари бузилганлиги ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлганлиги (жисмоний, эмоционал, жинсий зўравонлик ва мажбурлаш), эътиборсиз қолганлиги тўғрисида маълумот келиб тушган ҳолларда бола ҳаёти вазиятини баҳолаш, химоя ва реабилитация чораларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

тарбияланувчilar билан ишлаш вазифалари, шакллари ва услубларини, замонавий руҳий-ижтимоий технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари, ракамли таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда шахсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш усуllларини белгилаш;

болалар ва ёшларнинг қизиқишилари ва эҳтиёжларини, қийинчиликла-ри ва муаммоларини, зиддиятли вазиятларини, уларнинг хулқ-авторидаги қийинчиликларни аниқлаш, ўз вақтида бола, ёшлар ва уларнинг оиласига руҳий-ижтимоий кўмак бериш ҳамда кўллаб-кувватлаш;

ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ходим-ларнинг тури хилдаги ижтимоий аҳамиятга эга ижтимоий кўнимкалари ва ташаббусларини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни, ижтимоий лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш ҳамда уларни ишлаб чиқиша-тишроқ этиш;

vasiylik ва ҳомийлик ҳамда оилаларга жойлаштиришнинг бошқа шакл-ларини расмийлаштиришда, бола ва оилага тааллуқли хужжатларни тайёр-лашда иштишроқ этиш;

ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда патронатга берилган оилалардаги болалар ва ёшлар учун ёзги соғломлаш-тириш ва дам олишини таъминлаш чораларини ташкил этиш;

қонун билан ўрнатилган тартибда ижтимоий химояга муҳтоҷ болаларга давлат томонидан белгиланган ва бошқа ҳомийлар томонидан тақдим этил-ган кийим-бош, пойабзал ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланиши-ни назорат қилиш;

ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларини касб-га йўналтиришга оид ишларни амалга оширишда иштишроқ этиш;

хисоботлар, статистик маълумотлар, тарбияланувчиларнинг батафсил рўйхатларини шакллантириш, маълумотларни ўз вақтида ота-она қарамо-фисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар базасига киритиш;

Болалар уйи, «Мехрибонлик» уйи, Болалар шаҳарчаси, «SOS — болалар маҳаллалари», Оилавий болалар уйи ва жисмоний ва психик ривожла-нишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалирида педагогик, услугубий кенгашлар мавжуд бўлган тақдирда, иш режа-сида назарда тутилган ишларда иштишроқ этиш, соғломлаштириш, тарбия-лаш ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишида иштишроқ этиш, ота-оналар, шу жумладан, тутинган ота-оналарга услугубий ва маслаҳатли ёрдам беришни ташкил этишда иштишроқ этиш.

10. Оила ва болалар билан ижтимоий хизмат олиб борувчи ижтимоий ходимнинг малакасига нисбатан белгиланган талаблар:

олий тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат, магистратура ёки олий таълимдан кейинги таълим) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада беш йилдан кам бўлма-ган меҳнат стажига эга бўлганда;

биринчи тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат, магистратура ёки олий таълимдан кейинги таълим) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада уч йилдан кам бўлма-ган меҳнат стажига эга бўлганда;

иккинчи тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий,

педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлганда;

тоифасиз — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) олий (бакалавриат) маълумот, иш стажи талаб этилмайди.

**4-боб. Ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уйида парвариш қилиш бўйича ижтимоий ходим асистентининг вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари**

11. Ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уйида парвариш қилиш бўйича ижтимоий ходим асистенти (бундан буён матнда асистент деб юритилади) қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга комплекс ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни амалга ошириш;

ўзига бириктирилган худуддаги шахсларга майший масалаларни хал этишда ёрдам бериш;

12. Асистент қўйидаги асосий лавозим мажбуриятларини амалга оширади:

ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга зарур озиқ-овқат, иссиқ таомларни ва шахсий гигиена маҳсулотларини харид қилиш ва уйига етказиб бериш;

озиқ-овқат маҳсулотларидан таом тайёрлашга ёрдам бериш;

марказий сув таъминотига уланмаган худудда яшовчи шахслар учун ичимлик сувини етказиб бериш;

шахсий гигиенага амал қилишда ёрдам бериш, зарур ҳолларда санитар-гигиеник муолажаларни бажариш (бириктирилган шахсни ювинтириш, тўшак ҳамда ички кийимларни алмаштириш каби);

марказий иситиш тизимига уланмаган худудда яшовчilarни иситиш учун воситалар билан таъминлашни (аризалар ва бошқа зарур ҳужжатларни расмийлаштириш) ташкиллаштириш;

уй-рўзфор буюмларини ювишга, кимёвий тозалашга топшириш ва қайтариб олиб келиш;

турар жойларида носозликларни бартараф этиш ва таъмирлашни ташкил этишда ёрдам бериш (санитария-техник ва бошқа зарур ишчиларни чақириш, пудратчиларни излаш ва тегишли ишларни бажариш учун улар билан фуқаролик-хукуқий шартномаларни тузишда);

турар жойларини ўфишириш, шу жумладан, бошқа шахсларни (хизматлар) жалб этган ҳолда;

уй-жой коммунал хизматларини тўлашга ёрдам бериш (тўлов ҳисоб-варакларини тўлдириш, кредит ташкилотлари, уй-жой коммунал хизматлари, касса ҳисоб-китоб марказлари орқали тўловларни амалга ошириш);

савдо ташкилотлари, коммунал хизматлар, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларда товарлар ва хизматларни сотиб олишга кўмаклашиш (аризаларни расмийлаштириш, шахсга ушбу ташкилотларга олиб борадиган иш соатлари давомида яшаш жойига етказиб беришни амалга оширишда);

хат ёзиш ва ўқиб беришга кўмаклашиш;

маданий тадбирларда қатнашишга кўмаклашиш;

бошқа шахслар ёки хизмат кўрсатувчиларни жалб этган холда шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалиги ишларига ёрдам беришни ташкиллаштириш (ижрочиларни қидириш ва улар билан вазифалари тўғрисида фуқаролик-хукуқий шартномаларни тузишда ёрдам бериш, кўнгиллиларни, ҳомийларни жалб этиш);

дафн маросимларини ташкиллаштиришда кўмаклашиш (вафот этган шахснинг қариндошлари йўқ бўлса);

шифокор хулосасига кўра шахсни дори воситалари ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш (харид қилиш ва уйига етказиб бериш);

ногиронлиги бўлган шахслар учун индивидуал дастурлар асосида реабилитация тадбирларини ўтказишида ёрдам бериш;

реабилитация хизматларини кўрсатишида, реабилитациянинг техник воситаларини, шу жумладан, протез-ортопедия маҳсулотларини такдим этишида ёрдам бериш;

шахснинг соғлиғи ҳолатини назорат қилиб бориш;

тиббий ёрдамга эҳтиёж туғилганда уйга шифокор ёки тез тиббий ёрдами ни чақириш;

шифохонага жойлаштириш учун хужжатларни рамийлаштиришда кўмаклашиш, шифохонага жойлаштириш учун стационар тиббиёт муассасасига боришида ҳамроҳлик қилиш ва ушбу муассасаларда уларни йўқлаб туриш.

13. Ассистентнинг малакасига бўлган талаблар:

биринчи тоифа — ўрта маҳсус касб-хунар маълумоти (ижтимоий, педагогик, тиббий) ёки умумий ўрта таълим ва касбий таълим ўтганлиги тўғрисидаги хужжат ва иккинчи тоифали ассистент лавозимида бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлганда;

иккинчи тоифа — ўрта маҳсус касб-хунар маълумоти (ижтимоий, педагогик, тиббий) ёки умумий ўрта таълим ва касбий таълим ўтганлиги тўғрисидаги хужжат, тоифасиз ассистент лавозимида бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлганда;

тоифасиз — ўрта маҳсус касб-хунар маълумот ёки умумий ўрта таълим ва касбий таълим ўтганлиги тўғрисидаги хужжат, меҳнат стажи талаб этилмайди.

## 5-боб. Якуний қоида

14. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**255** Давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3241*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-хукуқий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-хукуқий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун хужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-хукуқий хужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 10 июнь,  
129-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
аддия вазирининг 2020 йил 10 июнданги  
129-мҳ-сон бўйруига  
ИЛОВА

**Давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар  
ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида  
самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари  
ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳакида»ги қарорига мувофиқ давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**ваколатли орган** — қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функцияси юклатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар;

**масъул ходим** — ваколатли органда давлат хизматларини кўрсатишга масъул этиб тайинланган (бириктирилган) ходим;

**фойдаланувчи** — давлат хизматидан фойдаланиш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс.

2. Ваколатли органлар томонидан масъул ходимларнинг фаолияти йиliga камида бир маротаба мазкур Низомда белгиланган самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилиши лозим.

3. Мазкур Низом талаблари қўйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:  
ваколатли орган ходимлари томонидан давлат хизмати кўрсатилишини баҳолаш бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари томонидан давлат хизмати кўрсатилишини баҳолашда;

туман (шахар) давлат хизматлари марказларининг ходимлари томонидан давлат хизмати кўрсатилишини баҳолашда.

4. Баҳолаш адолатлилик, холислик ва шаффоффлик принципларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

**2-боб. Самарадорлик ва натижадорликнинг асосий  
кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш**

5. Қўйидагилар масъул ходимнинг давлат хизматлари кўрсатиш фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади:

конун ҳужжатларида белгиланган муддатдан олдин кўрсатилган давлат хизматлари сони;

ваколатли орган томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини такомиллаштириш бўйича ташаббускорлик;

конун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кечикирилиб кўрсатилган давлат хизматлари сони (масъул ходимга боғлик бўлмаган ҳолда белгиланган муддатдан кечикирилиб кўрсатилган давлат хизматлари бундан мустасно);

масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати юзасидан ваколатли органга фойдаланувчилардан келиб тушган шикоятлар сони;

масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати юзасидан ваколатли органга киритилган тақдимнома ҳамда масъул ходимга нисбатан қўлланилган маъмурий жавобгарлик чоралари сони, конун ҳужжатларига мувофиқ интизом уставлар татбиқ этиладиган масъул ходимлар бундан мустасно.

6. Конун ҳужжатларида белгиланган муддатдан олдин кўрсатилган давлат хизматлари сонини ҳисоблашда ҳисбот даврида масъул ходим томонидан конун ҳужжатларида белгиланган муддатдан олдин кўрсатилган давлат хизматлари инобатга олинади.

Бунда, масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати қонун ҳужжатларида белгиланган муддат доирасида кўрсатилган ва тугалланган бўлиши лозим.

7. Масъул ходим томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан олдин кўрсатилган давлат хизматлари сони ушбу масъул ходим томонидан ҳисбот даврида кўрсатилган жами давлат хизматлари сонига нисбатан фоизда ҳисобланади ва қўйидаги мезонлар асосида балл берилади:

50 фоиз ва ундан кўп бўлганда — 80 балл;

30 фоиздан 50 фоизгacha бўлганда — 50 балл;

10 фоиздан 30 фоизгacha бўлганда — 20 балл;

1 фоиздан 10 фоизгacha бўлганда — 5 балл.

8. Ваколатли орган томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини такомиллаштириш бўйича ташаббускорлик ҳисбот даврида масъул ходим томонидан ушбу ваколатли органнинг давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар ва ушбу таклифлар асосида иш жараёни ва қонун ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартишлар инобатга олинади.

Бунда, масъул ходим томонидан давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш бўйича берилган камидаги 2 та таклиф ёки берилган таклиф асосида иш жараёни ва қонун ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартишлар ҳисобланади.

9. Масъул ходимнинг ваколатли орган томонидан кўрсатиладиган дав-

лат хизматларини такомиллаштириш бўйича ташаббускорлиги учун қўйидаги мезонлар асосида балл берилади:

берилган таклифлардан 2 та ва ундан ортиғи асосида иш жараёни ёки қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилган бўлса — 20 балл;

берилган таклифлардан 1 таси асосида иш жараёни ёки қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилган бўлса — 15 балл;

2 та ва ундан ортиқ таклифлар берилган, бироқ берилган таклифлар асосида иш жараёни ёки қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмаган бўлса — 10 балл;

1 та таклиф берилган, бироқ берилган таклиф асосида иш жараёни ёки қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмаган бўлса — 5 балл.

Масъул ходим томонидан давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини та-комиллаштириш бўйича таклиф берилмаган бўлса унга балл берилмайди.

10. Конун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кечиктирилиб кўрсатилган давлат хизматларининг сонини ҳисоблашда ҳисбот даврида масъул ходим томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кечиктириб кўрсатилган давлат хизматлари инобатга олинади.

Бунда, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кечиктириб кўрсатилган давлат хизматлари сони масъул ходим томонидан жами кўрсатилган давлат хизматлари сонига нисбатан фоизда ҳисобланади, масъул ходимга боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланган муддатдан кечиктирилиб кўрсатилган давлат хизматлари бундан мустасно.

11. Масъул ходим томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кечиктириб кўрсатилган давлат хизматлари сони ушбу масъул ходим томонидан ҳисбот даврида кўрсатилган жами давлат хизматлари сонига нисбатан фоизда ҳисобланади ва унинг умумий балли йифиндисидан қўйидаги мезонлар асосида тегишли баллар айриб ташланади:

30 фоиз ва ундан кўп бўлганда — 40 балл;

15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда — 30 балл;

5 фоиздан 15 фоизгача бўлганда — 20 балл;

1 фоиздан 5 фоизгача бўлганда — 10 балл.

12. Масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати юзасидан ваколатли органга фойдаланувчилардан келиб тушган шикоятлар сонини ҳисоблашда ҳисбот даврида масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизматлари юзасидан келиб тушган шикоятлар инобатга олинади.

Бунда, ваколатли органга келиб тушган ва ўз тасдигини топган шикоятлар ҳисобга олинади.

13. Масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати бўйича келиб тушган шикоятларнинг сони ушбу масъул ходим томонидан ҳисбот даврида кўрсатилган жами давлат хизматлари сонига нисбатан фоизда ҳисобланади ва унинг умумий балли йифиндисидан қўйидаги мезонлар асосида тегишли баллар айриб ташланади:

20 фоиздан юқори бўлса — 30 балл;

10 фоиздан 20 фоизгача бўлса — 20 балл;

5 фоиздан 10 фоизгача — 10 балл;

1 фоиздан 5 фоизгача — 5 балл.

14. Масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати юзасидан ваколатли органга киритилган тақдимнома ҳамда масъул ходимга нисбатан қўлланилган маъмурий жавобгарлик сонини ҳисоблашда ҳисобот даврида масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати бўйича киритилган тақдимнома ва (ёки) масъул ходимга нисбатан қўлланилган маъмурий жавобгарлик чораси инобатга олинади.

Бунда, масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати юзасидан ваколатли органга киритилган тақдимноманинг факат ўз тасдигини топгани ҳисобланади.

15. Масъул ходим томонидан кўрсатилган давлат хизмати юзасидан ваколатли органга киритилган тақдимнома ва (ёки) масъул ходимга нисбатан қўлланилган маъмурий жавобгарлик чорасининг сони ушбу масъул ходим томонидан ҳисобот даврида кўрсатилган жами давлат хизматлари сонига нисбатан фоизда ҳисобланади ва унинг умумий балли йифиндисидан қўйидаги мезонлар асосида тегишли баллар айриб ташланади:

2 та ва ундан ортиқ маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилган бўлса — 30 балл;

1 та маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилган бўлса — 20 балл;

2 та ва ундан ортиқ тақдимнома киритилган бўлса — 10 балл;

1 та тақдимнома киритилган бўлса — 5 балл.

### **3-боб. Масъул ходим томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида унинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашни ташкил этиш**

16. Масъул ходим томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида унинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш (бундан буён матнда баҳолаш деб юритилади) ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан З кишидан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда ташкил этиладиган комиссия томонидан амалга оширилади.

17. Комиссия таркиби ваколатли орган раҳбари ва давлат хизматлари кўрсатиш билан шуғулланмайдиган масъул ходимлар орасидан шакллантирилади.

18. Ваколатли орган раҳбари комиссия раиси ҳисобланади.

Ваколатли органнинг давлат хизматлари кўрсатиш билан шуғулланмайдиган ходимлари орасидан комиссия котиби тайинланади.

19. Комиссия ўз фаолиятини мазкур Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

20. Комиссия раиси комиссия ишини ўз вақтида, тўғри ва ҳаққоний ташкил қилиш учун масъул ҳисобланади.

21. Баҳолаш ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 санасига қадар амалга оширилиши лозим.

22. Комиссия котиби ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасига қадар масъул ходимнинг давлат хизматлари кўрсатиш фаолияти самарадорлиги ва

натижадорлигини ҳисоблашнинг асосий кўрсаткичлари бўйича ваколатли органдаги масъул ходимлардан тегишли маълумотларни олади, шунингдек, уларнинг тўлиқлигини ҳамда тўғри кўрсатилганлигини ўрганади.

23. Комиссия котиби масъул ходим томонидан берилган маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки ундаги маълумотлар тўғри кўрсатилмаганлигини аниклаган ҳолларда тегишли масъул ходимдан камчиликларни 1 кун муддатда бартараф этишни талаб қиласди.

24. Комиссия котиби тақдим этилган маълумотлар асосида комиссиянинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилиши учун ҳар бир масъул ходим бўйича алоҳида комиссиянинг барча аъзолари сонига мутаносиб равиша қисқача маълумотнома тайёрлайди.

25. Комиссия раиси масъул ходимлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида уларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мақсадида комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтадиган кун ва вақтни белгилайди.

26. Комиссия котиби комиссия йиғилиши ўtkазиладиган кундан камидан 2 кун олдин комиссиянинг барча аъзоларини комиссия йиғилиши ўтказиладиган кун ва вақт хақида хабардор қилиши шарт.

#### **4-боб. Масъул ходим томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида унинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш**

27. Махсус комиссия йиғилишида комиссия раиси, котиби ва унинг аъзоларидан бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

28. Комиссия котиби йиғилишда кўриб чиқиш учун кун тартибига қўйилган масъул ходимларнинг маълумотлари асосида тайёрланган қисқача маълумотномани комиссиянинг барча аъзоларига бир нусхадан тарқатди ҳамда ҳар бир масъул ходим бўйича маълумотларни комиссия аъзоларига алоҳида ўқиб эшиттиради.

29. Комиссия масъул ходим бўйича тақдим этилган маълумотларни ўрганган ҳолда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида қарор қабул қиласди.

30. Комиссия қарори аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

31. Масъул ходим томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида унинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳар бир кўрсаткич юзасидан масъул ходимнинг умумий тўплаган баллари бўйича қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

86 баллдан 100 баллгacha бўлганда — аъло;

71 баллдан 86 баллгacha бўлганда — яхши;

56 баллдан 71 баллгacha бўлганда — кониқарли;

55 ва ундан кам балл бўлганда — кониқарсиз.

32. Комиссия йиғилиши баённома билан расмийлаштирилади. Бунда комиссия мажлиси баённомасини расмийлаштириш комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

33. Комиссия йиғилиши баённомаси шу вақтнинг ўзида комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ҳамда тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади.

34. Комиссия котиби комиссия раиси томонидан тасдиқланган баённома билан барча масъул ходимларни шу куннинг ўзида таништириши шарт.

## **5-боб. Якуний қоидалар**

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

36. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Миллий гвардияси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Энергетика вазирлиги, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзархив» агентлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантинини давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуйи устидан назорат қилиш инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Фанлар академияси, АТ «Ҳалқ банки» билан келишилган.

*Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни қисқартириш вазири Ж. КУЧКАРОВ*

2020 йил 15 май

*Молия вазири**T. ИШМЕТОВ**2020 йил 18 май**Марказий банк раиси**M. НУРМУРАТОВ**2020 йил 18 май**Қишлоқ хўжалиги вазири**Ж. ХОДЖАЕВ**2020 йил 19 май**Сув хўжалиги вазири**Ш. ХАМРАЕВ**2020 йил 19 май**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**H. ХУСАНОВ**2020 йил 19 май**Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазири**И. МАДЖИДОВ**2020 йил 20 май**Халқ таълими вазири**Ш. ШЕРМАТОВ**2020 йил 20 май**Соғлиқни сақлаш вазири**A. ШАДМАНОВ**2020 йил 20 май**Маданият вазири**O. НАЗАРБЕКОВ**2020 йил 20 май**Мудофаа вазири**B. КУРБАНОВ**2020 йил 21 май**Ички ишлар вазири**P. БОБОЖОНОВ**2020 йил 21 май*

**Фавқулодда  
вазиятлар вазири в. б.**

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

*2020 йил 22 май*

**Ташқи ишлар вазири**

**А. КОМИЛОВ**

*2020 йил 23 май*

**Инвестициялар ва ташқи  
савдо вазири**

**С. УМУРЗАКОВ**

*2020 йил 23 май*

**Үй-жой коммунал хизмат  
кўрсатиш вазири**

**М. САЛИЕВ**

*2020 йил 23 май*

**Жисмоний тарбия ва  
спорт вазири**

**Д. НАБИЕВ**

*2020 йил 25 май*

**Курилиш вазири**

**Б. ЗАКИРОВ**

*2020 йил 25 май*

**Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири**

**Ш. САДИКОВ**

*2020 йил 26 май*

**Транспорт вазири**

**Э. ГАНИЕВ**

*2020 йил 27 май*

**Мактабгача таълим вазири**

**А. ШИН**

*2020 йил 28 май*

**Миллий гвардия қўмондони**

**Р. ДЖУРАЕВ**

*2020 йил 29 май*

*Давлат статистика  
қўмитаси раиси*

*Б. БЕГАЛОВ*

*2020 йил 29 май*

*Давлат солик  
қўмитаси раиси*

*Б. МУСАЕВ*

*2020 йил 30 май*

*Давлат божхона  
қўмитаси раиси*

*М. АЗИМОВ*

*2020 йил 30 май*

*Экология ва атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш давлат  
қўмитаси раиси*

*Ш. АБДУРАЗАКОВ*

*2020 йил 1 июнь*

*Давлат геология ва минерал  
ресурслар қўмитаси раиси*

*Б. ИСЛАМОВ*

*2020 йил 1 июнь*

*Ер ресурслари, геодезия,  
картография ва давлат кадастри  
давлат қўмитаси раиси*

*А. АБДУЛЛАЕВ*

*2020 йил 1 июнь*

*Туризмни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

*А. АБДУХАКИМОВ*

*2020 йил 2 июнь*

*Ўрмон хўжалиги давлат  
қўмитаси раиси*

*Н. БАКИРОВ*

*2020 йил 2 июнь*

*Саноат хавфсизлиги давлат  
қўмитаси раиси*

*Б. ГУЛЯМОВ*

*2020 йил 2 июнь*

*Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат  
қўймитаси раиси*

*Б. НОРҚОБИЛОВ*

*2020 йил 3 июнъ*

*Лойиҳа бошқаруви миллий  
агентлиги директори*

*Д. ЛИ*

*2020 йил 3 июнъ*

*Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
директори в. б.*

*Д. САИДЖАНОВ*

*2020 йил 4 июнъ*

*Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги директори*

*Д. САТТАРОВ*

*2020 йил 4 июнъ*

*Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори*

*А. НАЗИРОВ*

*2020 йил 5 июнъ*

*Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори*

*С. БЕКЕНОВ*

*2020 йил 5 июнъ*

*«Ўзархив»  
агентлиги директори*

*У. ЮСУПОВ*

*2020 йил 5 июнъ*

*Монополияга қарши курашиш  
қўймитаси раиси*

*Н. ШАРИПОВ*

*2020 йил 6 июнъ*

*Давлат тест  
маркази директори*

*М. КАРИМОВ*

*2020 йил 6 июнъ*

*Таълим сифатини назорат  
қилиш давлат инспекцияси бошлиги У. ТАШКЕНБАЕВ*

*2020 йил 6 июнь*

*Энергетика вазири*

*А. СУЛТОНОВ*

*2020 йил 8 июнь*

*Ўсимликлар карантини давлат  
инспекцияси бошлиги*

*И. ЭРГАШЕВ*

*2020 йил 8 июнь*

*Агросаноат мажмуи устидан  
назорат қилиш инспекцияси  
бошлиги*

*А. ВАХАБОВ*

*2020 йил 8 июнь*

*Олий аттестация  
комиссияси раиси*

*А. ЮСУПОВ*

*2020 йил 9 июнь*

*Фанлар академияси  
президенти*

*Б. ЮЛДАШЕВ*

*2020 йил 9 июнь*

*АТ «Халқ банки»  
бошқарув раиси*

*Ф. САЛАМОВ*

*2020 йил 9 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОФЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**256 Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори  
воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғриси-  
даги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3242*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислоҳотларни чуқурлаширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгач кучга киради.

**Вазир**

**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 24 март,  
115-сон

Ўзбекистон Республикаси  
соғликни сақлаш вазирининг 2020 йил  
24 марта 115-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори  
воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислоҳотларни чуқурлаширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартибини белгилайди.

\* Ушбу буйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тиббиёт амалиётида кўллаш учун рухсат этилган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилган дори воситаларига нисбатан татбиқ этилади.

Референт нарх шакллантириш тизими доирасида нархларни қайд этиш дори моддалари (субстанциялар), кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатига киритилган дори воситаларига ҳамда чекланган нархлар қайд этилгунга қадар сертификатлаштирилган дори воситаларига татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**референт нарх шакллантириш тизими** — дори шакли, қадоқдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадоқланишини хисобга олган ҳолда айни бир ишлаб чиқарувчининг худди шундай фаол моддага эга дори воситаларини ишлаб чиқарувчи мамлакатда, референт мамлакатларда ва Ўзбекистон Республикасида сотиш нархларини таҳлил қилиш натижаси асосида ҳар бир савдо номи учун чекланган нархларни қайд этиш тизими;

**референт мамлакатлар** — Жаҳон банкининг аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг хисобланган даромадлар даражасидан юқори, ўртачадан юқорироқ ва ўртачадан пастроқ бўлган давлатлар гуруҳига киравчи Ўзбекистон Республикаси билан макроиктисодий жиҳатдан таққосланадиган мамлакатлар;

**дори воситаларининг чекланган нархлари** (бундан буён матнда чекланган нархлар деб юритилади) — дори шакли, қадоқдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадоқланишини хисобга олган ҳолда дори воситаларининг ҳар бир савдо номи учун референт нарх шакллантириш тизими доирасида қайд этилган нарх;

**чекланган нархлар реестри** — дори шакли, қадоқдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадоқланишини хисобга олган ҳолда дори воситаларининг ҳар бир савдо номи учун қайд этилган чекланган нархлар ва уларга чекланган савдо устамаларини кўллаш йўли билан хисобланган ултуржи ва чакана нархларнинг электрон (онлайн) реестри;

**автоматлаштирилган ахборот тизими** (бундан буён матнда ахборот тизими деб юритилади) — аризаларни қабул қилиш, референт нарх шакллантириш тизими доирасидаги маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш, чекланган нархларни қайд этиш ва чекланган нархлар реестрини юритиш учун мўлжалланган маҳсус электрон тизим;

**ваколатли орган** — чекланган нархларни қайд этиш ва қайта қайд этиш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги;

**ишли орган** — чекланган нархларни қайд этиш учун аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ҳамда ахборот тизимининг узлуксиз ва баркарор ишлашини таъминлаш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлан-

тириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази;

**ариза** — дори воситаларининг чекланган ёки илгари қайд этилган чекланган нархларини қайта қайд этиш ҳақидаги мурожаат;

**ариза берувчи** — дори воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаси бўлган юридик шахс ёки унинг ишончли вакили;

**маҳаллий ишлаб чиқарувчи** — Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган юридик шахс;

**маҳаллий дори воситалари** — Ўзбекистон Республикаси худудида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари;

**импорт дори воситалари** — хорижий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси божхона худудига олиб кирилган ва ушбу худуддан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз эркин муомалага чиқарилган дори воситалари;

**давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси** (бундан бўён матнда гувоҳнома деб юритилади) — дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт амалиётида кўлланилишига рухсат берилганлигини тасдиқловчи хужжат.

3. Ваколатли орган доимий тарзда Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтида хронологик тартибда қайд этилган ва қайта қайд этилган чекланган нархлар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боради. Бунда аввалги маълумотлар сақланган ҳолда ўзгартиришлар киритилади ва чекланган нархлар ҳақидаги маълумотлардан эркин фойдаланиш имконияти яратилади.

4. Қайд этилган чекланган нархлар ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимида беш йил давомида сақланади.

## **2-боб. Чекланган нархларни қайд этиш ва қайта қайд этиш**

5. Ариза берувчи чекланган нархларни қайд этиш ва қайта қайд этиш учун электрон рақамли имзо билан ахборот тизимиға киради, шундан сўнг реал вақт режимида чекланган нархларни қайд этиш ёки қайта қайд этиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатларини (хат, шартнома ёки ишончнома) ҳамда чекланган нархлар қайд этиладиган Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситалари рўйхатини юборади.

6. Ишчи орган ариза қабул қилинган санадан бошлаб икки иш куни ичиди ариза берувчининг гувоҳнома эгаси ёки унинг ишончли вакили эканлигини текширади.

Ишчи орган ариза берувчини ҳақиқатан ҳам гувоҳноманинг эгаси ёки унинг ишончли вакили эканлигини тасдиқлагандан сўнг уни ахборот тизимида рўйхатдан ўтказади ва бу ҳақидаги маълумотни ариза берувчига дарҳол ахборот тизими ёки электрон почта манзили орқали юборади.

Ариза берувчи ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг аризада кўрсатилган дори воситаларига чекланган нархларни қайд этиш учун маълумотларни киритиш хуқуқига эга бўлади.

Агарда ариза берувчининг гувоҳнома эгаси ёки унинг ишончли вакили эканлигини тасдиқловчи хужжатлари нотўғри ёки бузиб кўрсатилган бўлса, ишчи орган рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисидаги электрон хабарни дархол ахборот тизими орқали ариза берувчига жўнатади.

7. Ариза берувчи (маҳаллий дори воситалари учун) ахборот тизими орқали ишчи органига дори шакли, қадоқдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадоқланишини ҳисобга олган ҳолда дори воситаларининг ҳар бир савдо номи учун Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида белгиланган чекланган нархларни ахборот тизимида киритади.

8. Ариза берувчи (импорт дори воситалари учун) ахборот тизими орқали ишчи органига дори шакли, қадоқдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадоқланишини ҳисобга олган ҳолда дори воситаларининг ҳар бир савдо номи учун ариза берувчининг хати билан тасдиқланган қўйидаги маълумотларни тақдим этади:

мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган аҳоли жон бошига нисбатан даромадлар даражаси юқори, ўртачадан юқорироқ ва ўртачадан пастроқ бўлган давлатлар гурухига кирувчи референт мамлакатларга Инкотермс халқаро қоидаларининг CIP (ташиш ва суфурта ҳақи тўланган) шартида (бундан бўён матнда Инкотермс CIP шарти деб юритилади) дори воситаларини етказиб бериш нархлари;

дори воситаларини ишлаб чиқарувчи мамлакатда дистрибьютерлар учун ушбу мамлакат валютасида белгиланган нархлар;

сўнгги олти ой давомида импорт қилинган дори воситаларини Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш валютасида белгиланган шартноманинг Инкотермс CIP шарти асосида кўрсатилган нархлари.

Агарда мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган нархларни тақдим этиш имкони бўлмаса, ариза берувчи томонидан тақдим этиш имкони йўқлигининг аниқ сабаблари кўрсатиб ўтилади ва қайд этилиши лозим бўлган чекланган нархлар таклифи киритилади.

9. Ахборот тизими импорт дори воситалари нархлари бўйича маълумотларни қабул қилиб, қўйидагиларни автоматик тарзда ҳисоблаб чиқади:

сўнгги олти ой давомида импорт қилинган дори воситаларини Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш валютасида белгиланган шартномаларининг Инкотермс CIP шарти асосида кўрсатилган нархларнинг ўртача миқдори;

дори воситаларини ишлаб чиқарувчи мамлакатдаги дистрибьютерлар учун ушбу мамлакат валютасида белгиланган нархга маҳсулот нархининг 15 фоиздан кўп бўлмаган суфурта ва транспортда ташиш харажатлари қўшилган ҳамда референт мамлакатлардаги нархларнинг умумлаштирилган ўртacha миқдори.

Ахборот тизими мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган асослар бўйича ҳисобланган ўртача миқдорлардан энг кам

микдорни, ариза тўлдирилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган валюталарнинг расмий айрбошлаш курси бўйича ариза берувчининг танловига асосан АҚШ доллари, евро ёки Россия рублида чекланган нархлар сифатида қабул қилишни тавсия этади.

10. Ариза берувчи ахборот тизими орқали тавсия этилган чекланган нархларни тасдиқлаш ёки рад этиш ҳукуқига эга.

11. Агарда ариза берувчи ахборот тизими орқали тавсия этилган чекланган нархни тасдиқлашни рад этса, у ҳолда ўзи томонидан киритилган чекланган нархни қайтадан кўриб чиқиши ҳамда аризани такроран топшириши мумкин.

12. Ишчи орган ахборот тизими орқали етти иш куни ичидан аризани кўриб чиқиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланган чекланган нархларни қайд этиш учун ваколатли органга тавсия беради.

13. Ахборот тизимида киритилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса ёки тақдим этилган хужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш зарурати мавжуд бўлса, ишчи орган камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани дарҳол ариза берувчига юборади.

14. Ишчи орган томонидан хабарнома юборилган кундан бошлаб йиғирма иш куни ичидан ариза берувчи хужжатлардаги ноаниқликлар ва камчиликларни бартараф этган ҳолда икки мартағача чекланган нархларни қайд этиш ёки қайта қайд этиш учун аризани топшириши мумкин.

15. Ишчи орган томонидан талаб қилинган маълумотлар ахборот тизимида ўз вақтида киритилмаса ёки тўлиқ бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги учинчи хабарномадан сўнг ваколатли орган чекланган нархларни қайд этиш ёки қайta қайд этишни рад этади ва бу хақидаги маълумотни дарҳол ариза берувчига юборади.

16. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилгандан сўнг ваколатли орган ишчи органнинг тавсиясига биноан уч иш куни ичидан тақлиф этилган чекланган нархларни қайд этади ёки қайta қайд этади ҳамда чекланган нархлар реестрига киритади.

17. Импорт қилинадиган, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинадиган дори воситаларини улгуржи ва чакана сотиш уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган микдорларда чекланган савдо устамаларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Импорт қилинадиган дори воситаларининг сотиб олинган қиймати куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{СОК} = \text{Шн} + \text{Б} + \text{Бх}, \text{ бунда:}$$

СОК — импорт қилинган дори воситаларининг сотиб олинган қиймати;

Шн — Инкотермс CIP шартларида Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилинган дори воситаларининг божхона юк декларацияси тўлдирилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белги-

ланган валюталарнинг расмий айирбошлаш курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида белгиланган шартномадаги нархи;

Б — Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобланган божхона тўловлари;

Бх — бошқа харажатлар (шартномадаги Инкотермс CIP шартида кўрсатилган нархнинг 1 фоизидан кўп бўлмаган микдорда).

18. Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилинган дори воситаларининг нархлари чекланган нархлардан юқори бўлмаслиги керак.

Агарда шартнома нархи чекланган нарх кўрсатилган валютада бўлмаса, унда шартноманинг божхона юқ декларацияси тўлдирилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган валютларнинг расмий айирбошлаш курси бўйича АҚШ долларида қайта ҳисобланган нархи чекланган нархдан юқори бўлмаслиги керак.

19. Чекланган нархлар реестри ахборот тизимида қайд этилган чекланган нархларни, шунингдек, ариза тўлдирилган кунга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган валюталарнинг расмий айирбошлаш курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ чекланган савдо устамалирини қўллаш йўли билан ҳисобланган улгуржи ва чакана нархларни акс эттиради.

20. Ариза берувчи ваколатли орган томонидан чекланган нархлар қайд этилган санадан эътиборан уч ойдан кам бўлмаган муддатда чекланган нархларни қайта қайд этиш учун ариза топширишга ҳақли.

Чекланган нархларни уч ойдан кам бўлган муддатда қайта қайд этиш учун қўйидагилар асос бўлиши мумкин:

чекланган нархларни қайта қайд этиш учун ариза топширилган санада чекланган нарх қайд этилган санага нисбатан чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига нисбатан курсининг камидаги 5 фоизга ўсиши;

дори воситалари ишлаб чиқариладиган мамлакатда енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларининг юз бериши.

21. Ариза берувчи томонидан нотўғри ёки ишончли бўлмаган маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланса, чекланган нархлар реестрида кўрсатилган дори воситаларининг нархлари дарҳол ушбу реестрдан чиқарилади.

22. Ишчи орган ариза берувчи томонидан чекланган нархларни қайд этиш ёки қайта қайд этиш учун тақдим этилган маълумотларни ошкор қилиши мумкин эмас.

### **3-боб. Якуний қоидалар**

23. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

24. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмита-

си, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан келишилган.

*Монополияга қарши  
курашиш қўмитаси раиси*

*H. ШАРИПОВ*

*2020 йил 17 марта*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*A. ИКРАМОВ*

*2020 йил 18 марта*

*Инновацион соғлиқни сақлаш  
миллий палатасининг раиси*

*P. ИЗАМОВ*

*2020 йил 19 марта*

*Давлат божхона  
қўмитаси раиси*

*M. АЗИМОВ*

*2020 йил 20 марта*

Референт нарх шакллантириш тизими доира-  
сида дори воситалари нархларини қайд этиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Аҳоли жон бошига нисбатан даромадлар даражаси юқори,  
ўртачадан юқорироқ ва ўртачадан пастроқ бўлган давлатлар  
гурӯҳига кирувчи референт мамлакатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Венгрия
2. Россия Федерацияси
3. Украина
4. Польша Республикаси
5. Тоҷикистон Республикаси
6. Словения Республикаси
7. Қозоғистон Республикаси
8. Болгария Республикаси
9. Беларусь Республикаси
10. Қирғизистон Республикаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҖАРОРИ

**257 Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш обьектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш ва унга кўчмас мулк обьектлари ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтингчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 июнда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3243*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги «Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида солиқ солиш обьектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчиликининг алоҳида тартибини жорий этиш тўғрисида»ги 107-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш обьектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш ва унга кўчмас мулк обьектлари ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтингчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
3. Мазкур қарор 2021 йил 1 майга қадар амал қиласи.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 май,  
2020-20-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил  
25 майдаги 2020-20-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба  
тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари  
ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона  
электрон платформани юритиш ва унга кўчмас мулк  
объектлари ижарага берилганлиги тўғрисидаги  
маълумотларни киритиш тартиби ҳақида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Мазкур Вактинчалик низом (бундан бўён матнда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 107-сон «Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига муовифик Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектларини ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳномани бериш, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ягона электрон платформасини (бундан бўён матнда электрон платформа деб юритилади) юритиш ва унга кўчмас мулк объектлари, шунингдек, айрим мол-мулк турларининг ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Тажриба даврида жисмоний шахслар томонидан дам олиш уйлари, дала ховли, якка тартибда қурилган уй-жойлар ва яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жойлар (бундан бўён матнда кўчмас мулк объектлари деб юритилади), шунингдек, айрим мол-мулк турлари (бундан бўён матнда айрим мол-мулклар деб юритилади) солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида ижарага берилади.

2. Жисмоний шахслар томонидан кўчмас мулк объектлари солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида ижарага берилган тақдирда, Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида низомга (рўйхат рақами 3077, 2018 йил 11 октябрь) асосан кўчмас мулк ижара шартномасини тузиш ва уни солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйиш талаб этилмайди.

3. Жисмоний шахсларнинг даромад манбаи сифатида солиқ органларида ҳисобга қўйиладиган айрим мол-мулкларга қўйидагилар киради:  
сув транспорти (моторли ва моторсиз, шу жумладан, шишириладиган);  
сув мотоцикллари (скутерлар ва бошқалар);

корда юрадиган техника воситалари (кор автоулови);  
квадрацикллар;  
парапланлар ва дельтапланлар;  
супа, сўри, топчанлар ва шунга ўхшаш дам олиш учун мўлжалланган.

4. Жисмоний шахслар томонидан гувоҳнома асосида ижарага берилган солик солиш обьектлари ҳақидаги маълумотлар электрон платформага мобил илова ёки веб-сайт орқали киритилиши лозим.

5. Мазкур Низом талаблари тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган меҳмонхона хизмати билан шуфулланадиган юридик шахсларга, оиласвий меҳмон уйи хизматлари қўрсатадиган юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, ушбу Низомда қўрсатилмаган мол-мулкларни ижарага бериш билан шуфулланадиган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

## **2-боб. Солик солиш обьектларининг солик органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш**

6. Жисмоний шахс ёки унинг ишончли вакили ижарага бериладиган солик солиш обьектининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун солик органига қўйидаги хужжатларни электрон платформа орқали юборади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклда қўчмас мулк обьектини ҳисобга қўйиш ҳақида ёки 2-иловасига\* мувофиқ шаклда айрим мол-мулкни ҳисобга қўйиш ҳақида ариза;

жисмоний шахснинг шахсини ёки унинг ишончли вакили ваколатини тасдиқловчи хужжат нусхаси.

7. Икки ва ундан ортиқ солик солиш обьектларини ҳисобга қўйиш истагини билдирган жисмоний шахслар ушбу солик солиш обьектлари тўғрисидаги маълумотларни солик солиш обьектларини ҳисобга қўйиш ҳақидаги аризаларида қўшимча равишда қўрсатишлари мумкин.

8. Жисмоний шахслардан мазкур Низомнинг 6-бандида қўрсатилган хужжатлардан ташқари бошқа қўшимча хужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

9. Ижарага бериладиган солик солиш обьектини ҳисобга қўйиш билан боғлиқ мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган хужжатлар ижарага берувчи ёки унинг ишончли вакили хоҳишига кўра Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани Фазалкент шаҳри, Дўстлик, Сижжак ва Новобод маҳалла фуқаролар йиғинлари худудларида ташкил этиладиган солик таянч пункtlарига (бундан бўён матнда Солик таянч пункти деб юритилади) қофоз шаклида тақдим этилиши мумкин.

10. Кўчмас мулк обьектлари ва айрим мол-мулкларни ҳисобга қўйиш жисмоний шахс томонидан ариза электрон платформа орқали электрон тарзда тақдим этилганда реал вақт режимида, Солик таянч пунктларига қофоз шаклида тақдим этилганда эса, ўша вақтнинг ўзида амалга оширилади.

\* 1-2-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Ижарага бериладиган солиқ солиш объектларининг хисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома жисмоний шахс томонидан ариза электрон тарзда тақдим этилганда электрон платформа орқали ёки қоғоз шаклида тақдим этилганда Солиқ таянч пунктлари томонидан ушбу Низомнинг З-илювасига\* мувофиқ шаклда бепул берилади.

12. Икки ва ундан ортиқ солиқ солиш объектларига эга бўлган жисмоний шахсларга битта умумий солиқ солиш объектининг хисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Гувоҳноманинг орқа томонида QR-код орқали ҳар бир қўшимча солиқ солиш объектлари алоҳида кўрсатилади. Бунда супа, сўри, топчанлар ва шунга ўхшаш дам олиш учун мўлжалланган жойларга гувоҳнома беришда солиқ солиш объектининг номи билан бирга унинг сони ҳам кўрсатилади.

13. Гувоҳноманинг ҳақиқийлиги QR-кодни маҳсус мобил илова орқали текшириб кўриш билан аниқланади.

### **3-боб. Ягона электрон платформани юритиш ва унга ижараага бериладиган объектлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш**

14. Электрон платформада солиқ органлари томонидан жисмоний шахсларнинг ижарага берилган кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулкларнинг хисоби юритилади.

Бунда, электрон платформа барча фойдаланувчилар (ижараага берувчи-лар, ижарага олувчилар ва солиқ органлари) учун ягона тизим доирасида ўзаро уйғунликда, ундан фойдаланувчилар гурухларга ажратилган ва бир-бирига таъсир кўрсатмаган ҳолда мустақил ишлаш имкониятига эга бўлади.

15. Электрон платформада кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулкларни ижарага олиш истагини билдирган шахслар ижарага берувчи жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотлари асосида танлашлари, уларни онлайн банд қилишлари ва тўловларни амалга оширишлари мумкин.

16. Кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулкларни ижарага бериш солиқ органларида хисобга олинадиган маҳсус чекларни тақдим этиш орқали амалга оширилади.

17. Жисмоний шахслар кўчмас мулк объектларини ижарага берилган вактда ҳамда айрим мол-мулкларни ижарага берилган кун якунига қадар ижарага олувчилар сони ва маҳсус чеклар орқали қабул қилинган ижара тўлови миқдори тўғрисидаги маълумотларни мобил илова ёки веб-сайт орқали электрон платформага киритадилар.

Бунда, икки ва ундан ортиқ солиқ солиш объектлари хисобга қўйилган жисмоний шахслар томонидан маълумотлар электрон платформага ҳар бир солиқ солиш обьекти бўйича алоҳида киритилиши лозим.

18. Жисмоний шахслар томонидан ижарага берилган солиқ солиш обьектлари учун тақдим этиладиган маҳсус чеклар Ўзбекистон Республи-

---

\* З-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

каси Солиқ кодексининг 22-моддасига мувофиқ товарларни (хизматларни) реализация қилишда харидорга бериладиган чеклар ёки уларни ўрнини босувчи бошқа хужжатларга тенглаштирилади.

#### **4-боб. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш**

19. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тажриба даври тугаганидан кейин тутилади.

20. Жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулклар бошқа шахс эгалигига ўтганда ёки бузилганда (яроксиз ҳолатга келганда) солиқ солиш объектининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақида мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза билан электрон платформа орқали солиқ органларига ёки қофоз шаклда Солиқ таянч пунктига мурожаат қилишлари мумкин.

Бунда, икки ва ундан ортиқ солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлигини бекор қилиш истагини билдирган жисмоний шахслар аризага тегишли солиқ солиш объектлари тўғрисидаги қўшимча маълумотларни киритади.

21. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш жисмоний шахс томонидан ариза солиқ организга электрон платформа орқали тақдим этилганда реал вақт режимида, Солиқ таянч пунктларида қофоз шаклида тақдим этилганда эса ўша вақтнинг ўзида амалга оширилади.

22. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг бекор қилинганлиги ҳақида мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ шаклда QR-коди мавжуд бўлган билдиришнома электрон тарзда электрон платформа орқали ёки қофоз шаклида Солиқ таянч пункти орқали ижарага берувчи жисмоний шахсга ёхуд унинг ишончли вакилига тақдим этилади.

Бунда, ҳисобга қўйилганлиги бекор қилинган солиқ солиш обьекти QR-коди текширилганда «Бундай обьект мавжуд эмас» ёзуви электрон шаклда ҳавола қилинади.

23. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг бекор қилинганлиги ҳақидаги билдиришноманинг хақиқийлиги QR-кодни махсус мобил илова орқали текшириб кўриш орқали аниқланади. Билдиришноманинг QR-коди текширилганда ҳисобга қўйилган солиқ солиш обьектлари ҳақидаги маълумотлар электрон шаклда ҳавола қилинади.

#### **5-боб. Якуний қоидалар**

24. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

\* 4-5-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

25. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Молия вазири*

*Т. ИШМЕТОВ*

*2020 йил 25 май*

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири*

*Ш. САДИКОВ*

*2020 йил 25 май*

*Туризмни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

*А. АБДУХАКИМОВ*

*2020 йил 25 май*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2020 йил 25 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**258** «Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1166-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қиласди:

1. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2002 йил 12 августдаги 31, 96-сон «Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1166, 2002 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон);

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2011 йил 25 февралдаги 10-П, 16-сон «Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 1166-1, 2011 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 12-13-сон, 125-модда).

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 8 май,  
12-2020-қ/қ-сон

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 8 май,  
16-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирларликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2020 йил 6 июндан 12 июнгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 16 майдаги 11/8-сон «Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори.

**2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2453-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 21 майдаги 181-сон «Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 1-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2967-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 21 майдаги 182-сон «Кичик ҳажмли кемаларни техник қўрикдан ўтказиш қоидаларининг 1-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2968-1.**

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/4-сон «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори.

**2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-1.**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/6-сон «Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори.

**2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1477-3.**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/14-сон «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг

ички меъерий хужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

*2020 йил 10 июндан ўтказилди, рўйхат рақами 916-1.*

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 15 майдаги 14-2020 қ/к, 6-мх, 33-қ/к, 16, 71 ва 8-сон «Ижтимоий ходимларнинг макоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги ўюриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*2020 йил 10 июндан ўтказилди, рўйхат рақами 3240.*

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 10 июндаги 129-мх-сон «Давлат бошқарув органлари ва бошқа ташқилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

*2020 йил 10 июндан ўтказилди, рўйхат рақами 3241.*

9. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 24 марта даги 115-сон «Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

*2020 йил 10 июндан ўтказилди, рўйхат рақами 3242.*

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги 2020-20-сон «Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида тажриба тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш обьектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувохнома бериш, ягона электрон платформани юритиш ва унга кўчмас мулк обьектлари ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

*2020 йил 12 июндан ўтказилди, рўйхат рақами 3243.*

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 8 майдаги 12-2020-қ/к, 16-сон «Туман (шахар) бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунинг

дек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

*2020 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1166-2.*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг «Мехнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1166, 2002 йил 26 август), шунингдек, унга ўзгартеришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1166-1, 2011 йил 25 март).

*Адлия вазирининг 2020 йил 12 июндаги 132-мҳ-сон буйргугига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартериш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**